Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 69 (20. 636) • 1990 йил 22 март, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

НАВРЎЗ — МЕҲНАТ, ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

● Нафис яшил либосга бурканиб, ял-ял ёниб ўлкамизга гўзал баҳор кириб келмоқда. Қиш уйқусидан уйғонган табиат кун билан тун баравар бўладиган кунга ўзига оро бериб кириб келди. Бу гал баҳорнинг ташриф буюришидан Наврўз байрами дарак берди.

21 март кунн республикамизда дам олиш кунн деб эълон қилинди. Ана шу кун қандай ўтди, қандай воқеаларга бой бўлди, нималар билан хурсанд қилди — шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Олдинда — КПСС XXVIII съезди

Ўтган ҳафтада бўлган ва мамлакатимиз турмушида бурилиш ясаган энг катта сиёсий воқеалар КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми иши билан жуда чамбарчас боғланган. Зеро, КПССда рўй бераётган қайта қуриш ва янгиланиш жараёнларига ҳозир ҳам бутун халқ қизиқиб қарамоқда, чунки партиямиз жамиятнинг етакчи сиёсий кучи бўлиб турибди. Бинобарин, КПССнинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида бошланган мамлакатдаги инқилобий қайта қуришнинг муваффақияти ҳам партия ўз сафларини қандай қайта қуришига, уни демократиялаш қандай ўтишига, омма орасидаги партиявий ишнинг барча қирраларини такомиллаштиришнинг янги йўллари ва шаклларини излашга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади.

Пленум партия XXVIII съезди шу йил 2 июлда очилишини белгиладн, унинг кун тартибини аниқлади. Партия анжумани қайта қуриш қандай бораётганини ва партиянинг вазифаларини, КПСС Марказий Комитети ва Марказий Тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини кўриб чиқиши, «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастурининг, янги Уставнинг ҳамда КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомнинг лойиҳаларини муҳокама қилишни якунлаши, партиянинг марказий органларини сайлаши лозим.

Ҳозир съездга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Коммунистлар ва партиясизлар КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг лойиҳасини чуқур, атрофлича муҳокама қилиб, уни партиядаги ишларнинг ҳолати вазминлик билан, танқидий таҳлил этилган, энг ўткир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш йўлидаги энг муҳим йўл-йўриқларни, жамиятимизни янгилашнинг принципиал мақсадларини белгилаб берган моҳиятли ҳужжат деб билмоқдалар. Лойиҳа умумпартиявий муноза-ранинг асоси ва негизи, коллектив изланишни кучайтирувчи қудратли омил бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетига, «Правда» редакцияси ва бошқа нашрларга партия аъзоларидан, ишчилар, қишлоқ меҳнатчилари, фан ва маданият арбобларидан 10 мингдаб хатлар келмоқда. Уларда шу ҳужжатнинг асосий қоидалари хусусидаги фикр ва мулоҳазалар, партияни қайта қуриш ва янгилашга оид амалий таклифлар баён этилган. Газетхонлар, жумладан, «Мунозара варақаси»ни ўқиб, бу ҳақда фикр юритишлари мумкин. Газета саҳифаларида редакция фикрлар, нуқтаи назарларнинг бутун хилма-хиллигини, партия олдида турган чинакам новаторлик вазифаларини ҳал этиш хусусидаги ғоялар ва ёндашувларнинг бойлигини кўрсатиб беришга интилмоқда.

Ҳаракат дастури лойиҳасига берилаётган баҳоларнинг ҳар хиллиги табиий ва тушунарли — ошкоралик, фикрларнинг хилма-хиллиги, ўз позицияларини рўй-рост ва дадил айтиш имконияти бўлган шароитда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Буни фақат табриклаш мумкин. Бундан буён ҳам «Правда» газетаси ўз фикрини айтмоқчи бўлган, партиянинг тақдири ҳақида чинакам қайғураётган, партия ташкилотларининг иш услуби ва усулларини қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ янгилашни таклиф этаётган ҳамма кишиларга сўз бераверади. Йўл-йўриқлар ва андозалар билан бўғиб қўйилмаган эркин изланишни тобора кенг важ олдириш билан бирга партиявий позицияларни қатъият билан ҳимоя қилиш керак, КПССнинг ғоявий ва ташкилий марксча-ленинча негизларини заифлаштириш йўлидаги уринишларга йўл бермаслик зарур — газетхонларимиз редакцияга юбораётган ўз хатларида шу фикрни ҳам таъкидламоқдалар.

Шу муносабат билан бир қанча партия ташкилотларида асосий диққат-эътиборни мунозара масалаларига қаратиб, баъзан ўзларининг КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасидаги принципиал қоидаларни, партиянинг бошқа съезди олди ҳужжатларини ва уларнинг новаторлик руҳини тушунтириб бериш ва тарғиб қилишдан иборат жуда муҳим вазифаларини унутиб қўйётганликларини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Тушунтирганда ҳам хўжакўрсин учунгина расмий тарзда эмас, балки ҳар бир коммунист ўз позициясини онгли равишда белгилаб ола биладиган, партия ташкилотларида таклиф қилинаётган муқобил таклифлар моҳиятининг ҳам тагига ета оладиган тарзда тушунтириш керак. Чунки ҳозир, ғоявий ва сиёсий кураш кескинлашган шароитда ҳаддан ошган қарашларнинг тарафдорлари КПССнинг жамиятимиздаги мавқеи ва ўрни хусусидаги фикрларини тобора баралла айтмоқдалар. Одамлар — коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам хилма-хил фикрлар, ғоялар орасидан янги қарорларга келиш йўлига интилишни партия ва халқ манфаатларидан олис бўлган ўз муддаоларини рўёбга чиқариб олиш учун мунозарадан фойдаланиш иштиёқидан фарқ қилишлари осон эмас.

Туб ўзгаришларни хоҳламаётган баъзи партия ходимлари ва ҳатто партиялилар оммасининг бир қисми ҳам бу ўзгаришларни сиёсий таъсирдан, партиявий позициялардан маҳрум бўлиш деб тушунмоқдалар. Партия билетини чўнтагига солиб юрган баъзи кишилар ҳам борки, улар аслида партияни инкор қилиш, унинг тарихини ёппасига йўққа чиқариш, биз босиб ўтган бутун йўлни сталинча-брежневча раҳбариятнинг хатолари ва сохтакорликларидан иборат қилиб кўрсатиш позициясида туриб гапиришдан қайтмаяптилар. Улар партиялилар оммаси аслида партия сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашишдан, унинг раҳбар органларини ташкил этишдан ва шу органлар ишини назорат қилишдан четлаштириб қўйилган бир пайтда КПСС, унинг энг яхши кучларининг ўзи аввалги структуралар ва усулларни шафқатсизларча танқидий, ҳаққоний қайта кўриб чиқишга киришганликларини унутиб қўймоқдалар. Партияга Ленининнинг совет жамияти пешқадам сиёсий кучи тўғрисидаги тасаввурларига мос келадиган янги қиёфа бахш этиш мақсадида ҳозир партия қайта қурилаётганлиги эса шахсга сиғиниш, волюнтаризм ва турғунлик даври келтириб чиқарган мана шу иллатларни тугатишга қаратилгандир. Бироқ Марказий Комитет Пленумида жуда аниқ-равшан қилиб таъкидланганидек, бунинг КПСС эволюциясининг катта йўли уни соф парламент типидаги партияга, айниқса чегаралари думдаи ва аъзолиги расмий қандайдир шаклсиз ижтимоий-сиёсий оқимга айлантиришдан иборат, деган даъволарга мутлақо алоқаси йўқ. Бошқача қилиб айтганда, партияни жуда хилма-хил фракциялар, гуруҳлар ва оқимлардан ямаб-ясқаб тикилган қандайдир қуроқ кўрпага айлантириш билан бунинг ҳеч бир алоқаси йўқ.

Ҳозир, съезд арафасида (унинг очилишига уч ойдан сал кўпроқ вақт қолди) аниқ-равшан бир тўхтамга келиш, партия турмушидаги етилган ўзгаришларга халақит бераётганларга ҳам, уни ислоҳ қилиш жараёнларига ғ ўрғ ў қилиб, сиёсий позицияларимизни заифлаштириш умидида юрганларга ҳам қатъий қилиб «йўқ» деб айтмоқ керак. У ёндашув ҳам, бу ёндашув ҳам партия ишига зиён етказади. Айниқса эндиликда, КПСС ўзининг раҳбарлик роли Конституцияда белгиланишидан воз кечган ва пухта ўйланган фаол сиёсат билан, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалаш ва қаттиқ туриб ҳимоя қилиш маҳорати билан жамиятнинг илғор кучлари сиёсий пешқадами бўлиш ҳуқуқини қарор топтириши керак бўлган бир пайтда бу нарса зарарлидир.

КПСС Марказий Комитетининг шундан аввалги февраль Пленумининг бевосита давоми бўлиб қолган март Пленуми янги Устав лойиҳасини кўриб чиқди, XXVIII съездга тайёргарликнинг ташкилий масалаларини ҳал этди. Шундай қилиб, партия барча бўғинларининг съездолди иши бош йўналишлари, унинг сиёсий йўл-йўриқлари белгилаб олинди. Айни вақтда Марказий Комитет сўнгги Пленумларининг қарорлари ҳар бир партия ячейкасининг, ҳар бир коммунистнинг ижодкорлиги учун, уларнинг ҳаракатини кучайтириш учун, партиявийлар оммасининг ҳокимиятини амалда таъминлаш, ички партия муносабатларини демократиялаш, партиядаги танглик ҳолатларини бартараф этиш йўлини амалга ошириш учун кенг имконият очди.

Кўпгина партия комитетларининг обрў-эътибори жуда тушиб кетганини, одамлар қолоқ, тўраларча иш усулларига, аппаратнинг ҳукмронлигига, унинг эскирган буйруқбозлик, тазйиқ ўтказувчилик раҳбарлик усулларига тоқат қила олмасликларини кейинги ойлардаги воқеалар жуда равшан кўрсатиб берди. Бу нарса республика ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайлов натижаларида ҳам намоён бўлди, унда сайловчилар баъзи партия ходимларига қарши овоз бердилар. Кўпинча бундай мағлубиятлар «митингларнинг таъсири», эҳтиросларг сунъий равишда кучайтирилганлиги, аппаратчилар деб аталган кишиларни душман қилиш йўлидаги уринишларнинг оқибати бўлганлиги ҳам бунн оқлай олмайди. Ҳозир ҳеч кимнинг роҳат-фароғатда ҳотиржам яшашига кафолат берилмайди. Сиёсий мухолифларга қарши тура билишни ўрганиш, ўткир мунозаралардан бўйин товламаслик керак.

Бу ишни кечаги куннинг усулларидан фойдаланиб бажариб бўлмайди. Зеро, нақадар ёқимли ва чиройли бўлмасин, фақат сўзлар билангина оммانинг ишончини умуман қозониб бўлмайди. Иш қилиш маҳорати, одамларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги ғамхўрлик — бош мезондир. Бу — оддий ҳақиқат бўлиб кўринса ҳам, уни эслатиб ўтишнинг зарари йўқ. Чунки партия ходимининг, фаол кишининг фазилатлари ҳақида халқ айни унинг ишларига қараб фикр юритади. Яна бир гап шуки, унинг қайта қуришдаги ғоявий-сиёсий позициясига, маънавий қиёфасига, ўзгаларнинг ташвишига сезгирлигига қараб фикр юритади. Кўпинча шу нарса унутиб қўйилмоқда! Ахлоқий нормаларга хилоф иш тутган, ножўя иш қилиб қўйган кишиларга одамлар ишонадими, ахир!

Партиянинг обрў-эътибори — партия сиёсатининг, партия олий мақсадларининг обрў-эътиборларигина эмас, бу эҳтимолки, аввало ҳар бир партия аъзосининг, айниқса партиядаги ўртоқларнинг ишончига сазовор бўлган коммунист раҳбарнинг обрў-эътиборидир.

Буни ҳамиша ёдда тутиш зарур. Айниқса ҳозир, партия XXVIII съездига номзодлар кўрсатиладиган, партия ташкилотларида сайлов ва ҳисоботлар ўтказиладиган бир пайтда эсда тутиш керак. Партияни қайта қуришнинг моҳияти кўп жиҳатдан жойлардаги партия ташкилотлари ва партия комитетлари раҳбариятига кимларнинг келишига боғлиқ. Съезд делегатларнинг состави эса партиянинг тақдирига, унинг жамиятдаги обрў-эътиборига, партия сиёсатининг энг муҳим йўналишларини танлаб олишга ҳал қилувчи даражада таъсир қилади. Делегатлик мандатлари учун жуда ўткир кураш важ олиб кетиши ҳозирнинг ўзидаёқ равшан. «Раҳбарлик қилиш»га одатланиб қолган ва ўзларининг иссиқ ўриндиқларини сақлаб қолишга интиладиган қолоқ кучлар съездга делегатлар сайлашнинг янги, эркинроқ тартибидан қандайдир туйнукларни ўз мақсадларига мослаштириб олишга уринишга кўришларини эҳтимолдан соқит қилиб бўлмайди. Аммо «ўта ислоҳотчилар»нинг истаги ҳам шубҳасиз, улар съездда кўпчилик бўлиб олиб, шу тарика ўзларининг сиёсий режаларини рўёбга чиқариш ниятида эканликларини ошкора гапирмоқдалар. Коммунистлар кимлар ва қай мақсад йўлида уларнинг кўнглини овлашга интилаётганликларини яхши фарқлаб ола билишлари, қайта қуриш айрим «ишбошилари»нинг дабдабали сўзлари ва ваъдалари нима билан мустаҳкамланганлигини билиб олишлари керак. Ҳозирги мураккаб шароитда халқнинг ҳақиқий манфаатларини, партиянинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, маслакдошларини ўз теварагида жипслаштиришга, қайта қуриш тарафдори бўлган бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар билан мулоқот қила олишга қодир бўлган чинакам ижодкор, ташаббускор кишиларни дадил кўтарабериш лозим.

Бизнинг партиямиз ҳақиқатни фақат ўзиники қилиб олиш, ҳокимиятни фақат ўзиники қилиб олиш даъвогари эмас. Съездолди муҳокамасига қўйилган янги программавий ҳужжатлар шундан яққол далолат бериб турибди. Бу ҳужжатлар коммунистларга ҳозирги шароитда, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги муҳитида янги, самарали иш шакллари ва усулларини излаш, ички партия муносабатларини тубдан демократиялаш хусусида йўл-йўриқ беради. Аммо КПСС жамиятдаги сиёсий раҳбарлик учун демократик кураш ҳам, ўзининг мамлакатдаги, иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги ишларининг аҳволи учун, гражданлар хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши учун, Совет давлати, социалистик федерациямиз мустаҳкамланиши учун халқ олдидаги сиёсий масъулиятидан ҳам воз кечиётгани йўқ, бу фикр март Пленумида ҳам неча марталаб таъкидланди. Партиямиз дунёда янги сиёсий тафаккур қарор топишига, мамлакатимизнинг халқаро манфаатларига риоя этилишига бундан буён ҳам кўмаклашаверади.

XXVIII съездга тайёргарлик, шубҳасиз, КПССнинг партия ташкилотлари ишидаги энг муҳим босқич бўлиб қолади. Илгари бўлганидек, мана партиянинг олий анжуманн тўпланадию, ҳамма масалани ҳал қилиб беради — бизнинг ишимиз фақат белгиланган режани бажаришдангина иборат, деб асло кутиб туриш керак эмас. Ҳозир сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Февраль ва март Пленумларининг материаллари, қарорлари мунозара учунгина эмас, амалий ҳаракат қилиш учун ҳам принципиал асос беради. Демак, ҳаракат қилиш керак. Бошланғич партия ташкилотлари ҳам, район ва шаҳар партия комитетлари ҳам ҳаракат қилишлари лозим. Зеро, бошланғич ташкилотларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари бениҳоя кенгаймоқда, район ва шаҳар комитетларининг роли эса айниқса масъулиятлидир. Партиянинг обрўли, жанговар органлари бўлиб қолиши, афкор оммага амалий таъсир ўтказиши лозим бўлган партия матбуоти, КПССнинг оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаракат қилишлари керак.

Партиянинг жанговарлик қобилияти, омма орасидаги таъсири барча коммунистларнинг, барча партия бўғиларининг сўзи ва ишига боғлиқ. Бинобарин, қайта қуришнинг муваффақияти, жамиятни инқилобий ўзгартириш вазифаларининг амалий ҳал этилиши ҳам мана шунга боғлиқ.

(«ПРАВДА» газетасининг 21 мартдаги бош мақоласи).

• Катта шодиёнадан лавҳалар •

ЗАМОНГА МИНГ ШУКРКИМ, ЕТДИК НАВРЎЗГА.

ИНСОНИЯТ тарихи зарварақларида шундай айёмлар борки, улар ҳамиша ардоқда. Наврўз — Шарқ халқлари, Ўрта Осиё халқлари тарихида ана шундай байрам. Унинг пайдо бўлиши тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Қутлуғ ва муборак Наврўз неча-неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келади.

Ўзбекистон — қуёш ўлкаси, оқ олтин ўлкаси, дўстлик ва қардошлик ўлкаси. Бу йилги Наврўз диёримизда алоҳида тарона оҳангида, камалак сержилосида нишонланди. Умумхалқ шодиёнаси эрта саҳардан бошланиб, оқшом тушгунга қадар давом этди. Шодиёнага қадам қўймаган каттаю-кичик қолмади, десак муболаға бўлмайди.

Жумҳуриятимиз пойтахтида Наврўз нафаси унинг нишонланишидан бир неча кун илгари интиқлик билан кутиб олинди. Маҳалла кўйлар, кенг ва равон кўчалар, сайилгоҳлар байрамона широрлар билан безатилди. 21 март тонготарида карнайсурнаю, ноғора ва доира оҳанглари, халқ қўшиқларининг ўлмас сатрлари янгради. Азалий одатга кўра эл-юртга Наврўз таоми — сумалак бепул берилди.

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДАМИЗ. Турна қатор ўрнатилган сўрилардаги хонтахталарда тўкин дастурхонлар ёзилган.

Пазанда ва қандолатчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Эл-юрт байрам билан бир-бирини муборакбод этмоқда. Нуроний этахонлар енгил машинадан тушиб келишди. Улар билан танишамиз: Юсуф ота Мирахмедов, Маъмур ота Холибеков, Абдумўмин ота Ғаффоров. Улар табаррук 80 ёшга қадам қўйишган. Еттитерак маҳалласида истиқомат қилишади. Уларнинг қалб сўзларини тингладик.

— Юсуф ота Мирахмедов:

— Бугунги шодиёна чиндан ҳам улуғдир. Наврўзни халқимизга қайтариб бериб, айни савоб иш қилинди. Жумҳуриятимизнинг қанчалик тўкин ва серфайз бўлиши ана шу байрамнинг завқли дебочасига боғлиқ. Бу йил от йили. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси отдек шаҳдам қадам ташласин.

Маъмур ота Холибеков:

— Биз деҳқон фарзандларимиз. Кеча шаҳримизда жумҳурият деҳқонларининг гурунги бўлди. Юмушларимиз аниқ. Ҳазрат Навоий айтганларидек, деҳқоннинг юмуши ҳамиша қутлуғ ва хайрлидир. Наврўзнинг биринчи куни у далага чиқади, барака уруғини қадайди. Қутлуғ айёмда ҳаммага эсон-омонлик тилайман.

Шодиёна иштирокчиларининг оқими ирмоқлар сингари кенгайиб боряпти. Баҳор фаслининг ўз гашти бор. Халқ одатига кўра бу фаслда катта ёшдагилар ўз фарзандларига варраклар ясаб беришади. Майдонда варрак учирилди. Баҳор даракчисини ҳамма олқишлади.

КАРЛ МАРКС КЎЧАСИ пойтахтликлар ва меҳмонлар учун оммавий сайилгоҳга айланиб қолганлиги маълум. Бу ерда ҳамма байрам нашъу-навоси ўз таровати ва файзини намойиш этди. Кўчма дўконлар, ошхоналар ишлаб турибди. Атрофни шарқона нақшлар туширилган палаклар безаган. Бир пиёла чой узра отахонлар гурунги... Санъаткорлар хизматда. Онахонларимиз миллий либослар кийиб олишган. Шулардан бири Муқаддам ая Маҳкамова. У Собир Раҳимов ноҳиясидаги Абдулла Набиев номли маҳаллада истиқомат қилади. Аяхон ўз силаси аъзолари билан жамул-жам бўлиб, Наврўз шодиёналарига келишган.

— Мен жуда қувониб кетяпман, — деди ая. — Тўй устига тўй бўлаверсин. Ҳамманинг хонадони фаровон ва дастурхони тўкин бўлсин. Эл-юрт омон бўлсин, замонамиз тинч бўлсин. Зурриётларимиз беғубор, тинч осмонни ҳамиша кўраверсинлар. Аҳиллик билан яшасак, завол кўрмаймиз.

— Тошкент Наврўз байрамига қандай тараддуд кўрди?

Саволимизга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Шоабдурахимов жавоб берди:

— Рўзнома орқали ҳаммани Наврўз билан қутлайман. Шаҳардаги муассасалар байрамга катта ҳозирлик кўришди. Овқатланиш ва савдо шохобчаларининг меҳнатчилари, маданият даргоҳларининг жамоалари хизматга жалб этилди. Биз қутлуғ айёмда бир миллион кишига қувонч улашиш ниятида тайёргарлик кўрганмиз. Ўзингиз кўриб турганингиздек, Карл Маркс кўчасидаги шодиёна иштирокчиларини юз мингдаб ҳисоблаш мумкин. Бу шодиёна халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиши табиий.

Сайилгоҳдаги ўйин-кулгилар авжига чиқиб боряпти. Байрам қатнашчилари қозонлардан сузилаётган ҳалим ва сумалакни татиб кўрмоқдалар. Пазандага шу кезда тасанно айтасиз, қўлингиз дард кўрмасин дейсиз.

Уста пазанда Хайрулла Мирҳодиев билан икки оғиз суҳбатлашамиз.

— Биз пазандалар туни билан уч қозонда ҳалим, сумалак пиширдик. Тайёрлаган таомларимиз хўрандаларга ёқди. Шундай шодиёнада халққа хизмат қилишдан катта мукофот бўлмаса керак.

Шодиёнада оила аъзоларини етаклаб қувнаётганлар жуда кўп. Собир Розиқов шуларнинг бири. Унинг оиласи пойтахтнинг кенжа даҳаси Тансиқбоев номли массивда яшайди.

— Наврўз шодиёнасига атайлаб тўрт фарзандимни ҳам етаклаб келдим. Фарзандларимиз шундай удумларда қатнашиб, яхшилардан ибрат олсинлар. Инсоний фазилатларни, қадриятларни ўрганишсин, халқимиз қувончига шерик бўлсинлар. Ҳаётнинг маъноси ва гўзаллиги ҳам ана шунда.

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ НАВОИЙ кўчасидаги Шеърият хиёбонида ҳам Наврўз тантанаси авжига чиқди. «Баҳор», «Ҳайтарма», «Чен-чун» коллективларининг санъаткорлари, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси мақомчилари байрамга алоҳида файз киритишди.

Муборак Наврўзимизнинг бу йилги шодиёналари қутлуғ қадам бўлди.

Шоир айтганидек:

Шарқона байрам,
Бунчалар хуррам.
Энди ҳеч қачон
Кўрмагин тўзим,
Кел, эй, Наврўзим.

А. ПУЛАТОВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ТОШКЕНТ, 21 МАРТ.

Суратларда: Карл Маркс кўчасида ўтказилган Наврўз шодиёналари.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ЛАТВИЯ ССР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

20 март куни М. С. Горбачев Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. В. Горбунов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси В.-Э. Г. Бресисни қабул қилди. Суҳбатда халқ депутатларидан И. О. Бишер, М. Г. Вульфсон ҳозир бўлдилар.

Федерацияни ривожлантириш, Иттифоқ шартномаси принциплари билан боғлиқ масалалар суҳбат марказидан ўрин олди. Шу билан бирга мазкур масалалар юзасидан таклифлар тайёрлашга доир амалий иш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

(ТАСС).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни, соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 23 март куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 24 март куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

Дўстликка мадҳия

● ҚҚАССР

НУКУС шаҳрининг марказида ўтказилган жирловчилар, бахшилар ва шоирлар мушоираси — «Наврўз гулдастаси»га жуда кўп одам тўпланди. Санъат усталарининг мусобақалари терма концертга айланиб кетди. Бердаҳ номли филармония артистлари, Станиславский номли мусиқа театрининг актёрлари, «Ойқулаш», «Мухаллес», «Арулар», «Хурлимон», «Қирққиз» ансамбллари, Хожиниёзов номли ёш томошабинлар театрининг санъаткорлари, «Орзу» ва «Шарқ» вокал-чолғу ансамбллари ўзларининг янги қўшиқлари ва рақслари билан бу ерга келган одамларни хурсанд қилишди. Ҳар бир маҳалланинг моҳир пазандалари халқлар дўстлиги хиёбонига ўзлари тайёрлаган таомларни олиб чиқишди.

● АНДИЖОН

Байрам куни Пахтаобод район марказининг маданият ва истироҳат боғига келган кишилар қадимий халқ ўйинлари ва мусобақаларини томоша қилдилар. Қирғизистоннинг қўшни районларидан полвонларнинг келиши айниқса эътиборни қизиқиш уйғотди.

Кўклам дастурхони пазандалик санъатининг кўргазмаси бўлди, ўзбекча палов ёнида қирғизча бешбармоқ, уйғурча лағмон ёнида русча пироглар иштаҳани қитиқлар эди.

Куй ва қўшиқ шинавандаларининг хурсандчилиги ярим тунгача давом этди.

(ЎзТАГ).

(НАВРУЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛАЛАР БИЛАН ГАЗЕТАНИНГ ТУРТИНЧИ САҲИФАСИДА ҲАМ ТАНИШАСИЗ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ЧОРАК АСР РУЛДА

● Самарқанд шаҳридаги автотранспорт экспедиция комбинати ҳайдовчиси Худойберди Абдураҳмонов чорак асрдан буён юк машинаси бошқариб келяпти.

У ўтган даврда бир неча минг тонна халқ хўжалиги юкларини республикамизнинг турли бурчакларидаги буюртмачиларга етказиб берди.

Айни кунларда Х. Абдураҳмонов «КамАЗ — 5410» маркали оғир юк машинасини эҳтиёткорлик билан бошқариб, кунлик топшириқларини 1,5 — 2 ҳисса уддалаяпти. Ҳозир у II квартал ҳисобига меҳнат қиляпти.

Моҳир ҳайдовчи ўз тажрибасини Рашид Раҳмонқулов, Парда Эгамбердиев ва Тугал Эшонқулов сингари шогирдларига ўргатиб келмоқда.

О. КАТТАБЕКОВ

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

● Наманган халқ истеъмол буюмлари заводида яна бир янги цех ишга туширилади. Ана ўшанда ишсиз юрган 200 нафар хотин-қизлар уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиш имконига эга бўлади.

Улар ишлаб чиқаришдаги ортиқча хом ашёдан фойдаланиб, ҳар хил шиппаклар, камзуллар, кўрпачалар тайёрлаб берадилар.

Кейинчалик цех қуввати яна бир неча баробар оширилади. Натижада хилма-хил истеъмол моллари — пластмасса ўйинчоқлар, катта-кичик сумкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Завод коллективи яқин келажакда ишлаб чиқариш қувватини ошириш, 1995 йилга бориб эса қарийиб 7 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлашни кўзда тутмоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,

● Тошкент мотор заводининг меҳнат аҳли мавжуд қувватлардан имкони борича самарали фойдаланиш йўлларини изламоқда. Бу йил буюртмачиларга 70 от кучига эга бўлган двигатель ўтган йилдагига нисбатан икки ҳисса кўп етказиб берилиши режалаштирилган. Ишлаб чиқаришда рақамли бошқарув жиҳозлари ўрнатилган ускуналарнинг кенг қўлланилиши туфайли бу имконият юзага келди. Корхона маҳсулоти пахта териш машиналари, экскаваторлар, компрессор қурилмалари тайёрланишида кенг ишлатилмоқда.

Суратларда: (юқорида) А. Алёшин — моҳир созловчи. У кунлик топшириқларини ошириб бажармоқда; корхона цехларидан бирида ўрнатилган замонавий дастгоҳлар.

А. ГОРОКРИК олган суратлар (ЎзТАГ).



Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

1990 йил 20 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси кун тартиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида кенг фикрлашув бўлиб ўтди.

Муҳокама чоғида Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг жорий этилиши сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа муносабатларда қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Кейинги пайтларда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг кескинлашувидан, белгиланган ислоҳотлар натижалари пастлигидан, жиноятчилик ўсиб бораётганидан одамлар ташвишланиши кучаяётганлиги қўтириб ўтилди. Тегишли жамоат тартибини, гражданлар хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий аҳволни нормаллаштиришга, долзарб ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги тобора қаттиқ талаб қилинмоқда.

Президент лавозимининг таъсис этилиши республика суверенитетини, конституция тузумини, гражданлар ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлайди, ҳокимият бутун механизм самарадорлигини, барқарорлик ва қонунийликни кескин ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, деган фикрлар билдирилди.

Мажлисда сўзга чиққан кишилар масъулиятсиз демократия бўлиши мумкин эмас, ўзини ўзи бошқарув кучли, лозим бўлганда, оператив иш кўрадиган, бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ҳокимият бўлган тақдирдагина ўзининг ижобий имкониятларини чинакамига рўёбга чиқара олади, деган яқдил фикр билдирдилар.

Президиум аъзолари «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни маъқулладилар, бир қанча фикр мулоҳазалар ва қўшимчалар киритдилар.

Мажлисда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

● Халқ депутати: амалиёт, таклиф, мулоҳаза

Сайловолди ташвишлари ортда қолди. Халқ номзодларининг мақсад-ниятлари, қобилиятларини ақл тарозисига солиб, ўзи муносиб кўрганларга овоз берди, уларни жумҳурият Олий Советига ўз вакиллари қилиб сайлади.

Энди ҳар бир депутат учун сайловчига берган ваъдалари, белгилаган режаларини амалга ошириш, амалий ҳаракат даври келди.

ҲАММА НАРСАГА МАРКАЗ КАФИЛМИ?

Бу ҳақда яқинда Тошкентда ўтказилган СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари, корхоналар ва муассасалар, партия ташкилотлари, маҳалла ва уй-жой комитетлари, ўқув юртларининг вакиллари, партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг кенгашида ҳам алоҳида таъкидланди.

«Биз депутатлармиз, — дейилади кенгаш қатнашчиларининг республика аҳолисига мурожаатномасида, — республика меҳнаткашлари, ишчилар ва деҳқонлар, хизматчилар ва зиёлилар, ветеранлар ва ёшлар, Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларга мансуб кишилар бизни сайлаб бу билан бизга ишонч билдирдилар. Катта ваколатлар ва ҳокиниятни бердилар.» Зеро, халқимиз ҳар биримизга катта умидлар боғлаб, овоз берди, жумҳуриятимиз иқтисодиётини кўтариш, узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, турмуш кечиришни яхшилаш, фаровонликни ошириш юзасидан бизга катта ваколатлар берди. Бу эса ҳар бир депутатдан юксак масъулият билан ишлашни, халққа ғамхўрлигини ўз фаолиятининг марказига қўйишни тақозо қилади.

Меҳнаткашлар билан сайловолди учрашувларида ўз ҳаракат дастуримни аниқ баён қилган эдим. Сайловлардан сўнг уни яна бир кўздан кечирар эканман, хаёлимга ана шу ўйлар келди. Дарҳақиқат, биз, депутатлар олдида масъулиятли вазифалар турибди. Ҳар бир қишлоқ район ва шаҳарнинг каттакичик муаммолари бор. Аммо, уларни ҳал қилишни фақат марказ билан боғлаш, уларнинг мададини кутиб туриш нотўғри бўлур эди. Бу муаммоларнинг кўпчилигини маҳаллий имкониятларни ишга солиб, бемалол ечиш мумкин. Шу ҳақда ўз мулоҳазаларим бор.

Шаҳрисабз жумҳуриятимизнинг йирик мавзеларидан бири. Ҳозир шаҳар ва районда 200 мингдан ортиқ аҳоли яшамоқда. Ишчи кучларининг ўртача йиллик ўсиши 4—4,5 минг кишини ташкил этмоқда. Шунча аҳолини иш, озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлаш, уларга қулай социал-маданий шароит яратиб бериш жўн иш эмас, албатта. Бу масалалар устида мунтазам бош қотиришга, мутахассислар билан маслаҳатлашиб иш кўришга, ўзимизда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга тўғри келмоқда.

Масалан, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини олайлик. Кейинги йилларда шаҳардаги мавжуд корхоналарнинг кўпчилигини икки сменали ишлашга ўтказилганлиги натижасида қўшимча ишчи кучлари келиб қўшилди. Кооперативларда ҳозир 1500 киши ишламоқда. Маҳаллий саноат корхоналари касаначиликка эътиборни кучайтирди. Шу йил охиригача трикотаж кийимлари фабрикаси қурилиб ишга туширилди. Янги корхона бир сменада 570 кишини ўз бағрига олади.

Ленин номли колхоз, «Ўзкомпартия XX съезди» совхози сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехлар қурди. Уларда қишлоқ меҳнаткашлари қишин-ёзин ишламоқдалар. Мазкур хўжаликларнинг тажрибаси асосида райондаги бошқа колхоз ва совхозлар ҳам оҳак, ғишт пишириш цехлари қуриш, қишлоқ аҳолисини иш билан банд этишнинг бошқа имкониятларини кўриб чиқмоқдалар.

Аммо шуни очиқ айтиш керакки, бу билан биз одамларни иш билан таъминлаш муаммосини тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Туғилиш кўпайган сари, маҳаллий имкониятлар ҳам чекланиб бораверади. Бунинг учун жумҳурият миқёсида махсус давлат программаси тузиб, уни Олий Советнинг сессияларидан бирида муҳокама қилиш лозим. Шу асосда ҳар бир вилоят, район ва шаҳар ҳам ўз программасини тузади. Давлат программасида жойларда кичик-кичик корхоналар қуриш билан бирга йирик фабрика ва заводларнинг филиалларини ташкил этишни ҳам кўзда тутиш керак.

Халқимиз дастурхонини тўкин қилиш энг долзарб вазифалардан бири. Жумҳурият партия ва ҳукуматининг пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига аҳолига, биринчи навбатда деҳқонларга томорқа участкаси бериш ҳақидаги қарори ҳам аслида ана шу мақсадга қаратилган. Бу қарор бизда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. 1989 йилда шаҳар бўйича 859 кишига, районда 3269 кишига ер участкаси берилди. Бундан ташқари, 2939 кишининг томорқа участкаси кенгайтирилди. Эндиликда қишлоқ аҳолиси хонадонида боғ-роғ қилиш, сабзавот экинлари экиш, ўз рўзғоридан ортганини бозорга келтириб сотиш имконияти туғилади.

Келгусида район колхоз ва совхозларини асосан узум, мева, сабзавот етиштирадиган хўжаликларга ихтисослаштириш мўлжалланмоқда. Чунки, районнинг табиий шароити шуни тақозо этади. Ҳозир тўрт совхоз мева, узумчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланмоқда. 1990 йилнинг ўзида 80 гектар боғлар, 29 гектар токзорлар барпо этилади. 10,5 гектар ерга субтропик ва резавор мева кўчатлари ўтказилади.

Кейинги йилларда хўжаликлар ва хонадонларда ёнғоқ, ўрик, меваларнинг бошқа эрта пишар маҳаллий навлари камайиб кетди. Ариқ бўйларига мевали дарахт кўчати ўтқазишга эътибор берилмаяпти. Танқас ва Оқсув бўйларида ёнғоқ экиш имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Халқ дастурхонини сероб қилишда булар катта резерв-ку!

Районимиз сабзавот ва мева етиштиришда вилоятда салмоқли ўринни эгаллайди. Келгусида уларни етиштириш кескин кўпаяди. Ана шу шароитда олдимизда аҳолини йил бўйи мева ва сабзавот билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни яхши сақлаш, уни истеъмолчиларга қўлай ҳолатда етказиб бериш муаммосини ҳал қилишга тўғри келади. Бизда ҳали хўжаликларда узум, мева-чева ва сабзавотни узоқ вақт сақлайдиган омборхоналар йўқ. Агар ҳар бир хўжалик ана шундай омборхоналар қурса, қишга маълум миқдорда маҳсулотни сақлаган уни сотиб, катта иқтисодий наф кўрган бўларди. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси узумдан майиз, ўрик, олма, шафтоли ва бошқа мевалардан қоқи тайёрлаб, уни аҳолига етказиб беришнинг катта фойда келтираётганлигини кўрсатмоқда.

Яна муҳим масалалардан бири — мева ва сабзавотни жумҳуриятимиз ташқарисидаги шаҳарларга етказиб беришдир. 1989 йилда район хўжаликлари Бутуниттифоқ фондига 3,5 минг тоннадан ортиқ узум, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бердилар. Улар асосан темир йўл орқали ташилди, натижада маҳсулот сифати ҳам пасайди.

Бу муаммони ҳал қилиш учун шаҳар аэропорти учиш майдонини юк ташувчи самолётлар ҳам қўнишга мўлжаллаб реконструкция қилиш лозим. Бунга бизнинг ҳисобимизча, тахминан бир миллион сўм маблағ сарфланади. Қашқадарё область мева ва сабзавот ишлаб чиқариш давлат — кооператив бирлашмаси хўжаликлар ҳисобидан ана шу маблағни ажратиш истагини билдирган. Бу ҳақда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасига хат билан мурожаат қилинган эди. Афсуски, бошқарма раҳбарлари нима учундир сукут сақлаб келмоқдалар. Ҳолбуки, бу режа амалга оширилса, хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни мамлакатнинг марказий шаҳарларига пешма-пеш ва бежирим етказиб бериш имкониятига эга бўлган бўларди. Бундан икки томон ҳам фойда кўрарди.

Уй-жой программасини бажаришда аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда фақат давлат фондига кўз тикилса, иш олдин кетмайди. Бу эса маҳаллий резервларни ҳам ишга солишни талаб қилади. Бизда ҳам фарғоналиклар тажрибасига асосан жуда яхши ёғоч берадиган теракзорлар яратишга киришилди. Аммо бу иш оммавий тус олган эмас. Маълумки, терак томорқага соя қилмайди, тез вояга етади. Ҳозир қишлоқларда жуда кўп киши уй қуришда теракдан кенг фойдаланяпти. Бўш жойларда терак экишни йўлга қўйишда қишлоқ маҳалла комитетлари, депутатлар, ҳурматли қарияларимиз бош бўлишса жуда хайрли иш бўларди.

Районимиздаги кўпгина хўжаликларда табиий тепаликлар мавжуд. Демак, бу хўжаликлар хумдонлар қуриб, пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари мумкин. Бу аҳолини ғишт билан таъминлашда қўшимча резерв бўлади. Оҳак ишлаб чиқариш хусусида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Шаҳрисабз ноёб архитектура обидаларига бой қадимий шаҳарлардан бири. Улар орасида, айниқса, Оқсарой миллий меъморчилигимизнинг дурдонасидир. Аммо, бу осори-атиқалар йиллар ўтган сайин емирилиб, асл қиёфасини йўқотиб бормоқда.

Қадимий меъморлик обидаларини таъминлаш учун 1977 йилда Шаҳрисабзда махсус илмий таъминлаш ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилди. Айни пайтда устахона зиммасига вилоятдаги бошқа шаҳар ва қишлоқлардаги обидаларни таъмирлаш вазифаси ҳам юклатилган.

Аммо Шаҳрисабз шаҳридаги обидаларни тиклаш соҳасида олиб борилаётган ишлар суръати бизни қониқтирмайди. 1977—1989 йилларда бу ишларга 1 миллион 359,4 минг сўм маблағ сарфланди. 1990 йил планида эса 116 минг сўм ажратилган. Бизнингча, давлат бюджетидан маблағни кескин кўпайтириш, тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш жумҳурият (область ва шаҳар жамиятидан ташқари) жамияти аъзоларининг бадалларидан, маданият фонди республика бўлими ҳисобидан маълум миқдорда маблағ ажратиб, таъминлашни тезлаштириш лозим.

Шаҳрисабзга 1981 йилдан бошлаб чет эл туристлари келади, ундан давлат ҳар йили кўп миқдорда валюта олмоқда. Шундан 10—15 процентини шаҳарга ажратиш, ундан маълум миқдорини эса архитектура ёдгорликларини таъмирлашга сарфлаш мумкин. Шаҳрисабздаги махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг моддий техник базаси эса йўқ, ҳисоби. Ҳозир устахонада ўз кучлари билан тўрт бурчакли ғиштлар ва кошинлар тайёрлайдиган хумдон қуриляпти. Бир йилда 250 минг дона ғишт тайёрлаш мумкин. Аммо юқори ҳароратга чидамли ғиштлар етишмаслиги орқасида уни қуриш чўзиляпти. Республика «Меъмор» бирлашмаси бу масалага, шунингдек Оқсаройни консервация қилиш учун металл ҳавозаларини ҳал қилиш масаласига эътиборсиз қараяпти.

Умуман, «Мерос» ҳаракатномасини қўллаб-қувватлаган ҳолда республикадаги тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масаласини республика Олий Совети тегишли комиссияси тайёрлаб, Олий Совет сессияси кун тартибига киритиши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки, бепарволигимиз натижасида кўплаб ноёб ёдгорликлар йўқ бўлиб кетмоқда. Уларни авайлаб-асраб, келажак авлодларга етказиш бурчимиздир.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида инсон партия сиёсатининг марказида туриши таъкидланган. Айниқса, инсоннинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш, соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳозирги долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда бизда ҳам «Саломатлик», «Ғамхўрлик», «Уй-жой», «Меҳнат» комплекс программалари тузилиб, амалга оширилмоқда.

Ўн учинчи беш йилликда 11 минг ўринли мактаблар, 5470 ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилади. 608 ўринли касалхоналар, бир сменада 855 кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, 960 ўринли маданият ўчоқлари фойдаланишга топширилади. Келгуси беш йилликда шаҳар аҳолисини тўлиқ табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган. Қишлоқларни ҳам табиий газ билан газлаштириш бошланди.

Шаҳрисабз воҳаси соя-салқин, яшилликка бой, баҳаво гўша. Шаҳрисабзни ҳар йили Иттифоқимиз ва дунёнинг турли бурчакларидан юзлаб сайёҳлар келиб, томоша қилишади.

Ана шу жаннатмакон жойдан меҳнаткашларнинг дам оладиган, саломатликларини тиклайдиган маскан сифатида етарли фойдаланилмаяпти, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда Мироқида дам олиш уйи бор, холос. Минерал сув манбалари ҳам топилган. Келгусида тоғлар бағрида дам олиш уйлари, даволаш-профилактика муассасалари қуришни ўйлаб кўриш пайти келди.

Биз эса ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, сайёҳлар, шаҳар ва район меҳнаткашлари учун сув ҳавзаси ва ёзги чўмилиш жойи барпо этишни режалаштирдик.

Хуллас, муаммоларимиз ҳам, уларни ҳал қилишга қаратилган режаларимиз ҳам бир талай. Фақат бу режаларни амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларни ишга солиш, халқимизни унга отлантириш лозим. Халқнинг биз депутатлардан умиди катта. Республикамизнинг қандай қилиб оғир иқтисодий аҳволдан чиқариш, унинг олдинги шон-шуҳратини тиклаш, одамлар дастурхонининг тўкин, эгнининг бут бўлишини таъминлашнинг тўғри йўлини топишимизга уларнинг ишончи бор. Бу юксак ишонч ҳар биримизни халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ундайди.

Ф. ОМОНОВ,
Шаҳрисабз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз

МАХФИЙ ИҚТИСОДИЁТ

● Яширин иқтисодиёт! Бу нима ўзи! КПССнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида мана бундай сатрлар бор: КПСС «...меҳнат аҳли манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилаверади. Яширин экономика, порага сотилган унсурлар, чайқовчилар, монополияга янги даъвогарлар йўлига ишончли ҳуқуқий ғоя ўрнатиш учун курашаверади». Бу сатрлардан кўриниб турибдики, махфий иқтисодиёт жамият учун хатарли.

БАЪЗИ рақамларга қиёсий назар ташлаб кўрайлик. Мамлакатимиз иқтисодиётида аҳоли даромадининг ўсиши 1988 йилга нисбатан 64 миллиард сўмни, яъни 12,9 фоизни, халқ истеъмоли моллари 30 миллиард сўмни, яъни 7 фоизни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг марказидаги тақчиллик турли сабабларга кўра ҳамон давом этяпти. Нарх-наво эса пасаймаётир. Масалан, юқори синф ўқувчиларининг эҳтиёжи кейинги 10 йил ичида 4 баробар ортиб кетди.

Иқтисодиётдаги бу аҳвол яширин иқтисодиёт, деб аталмоқда. Ҳозиргача унинг негизи жумҳурият иқтисодчилари томонидан тузуккина ўрганилаётгани йўқ. Аслида у бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули оқибатида ривожланиб келди. Махфий иқтисодиёт экономикани маъмурий тартибда бошқарувнинг амалдаги кўринишидир. Унинг ўсиб-ривожланишидаги асосий омиллардан бири — истеъмол молларига бўлган эҳтиёж, тақчиллик деб қараш мумкин. Чайқов бозори кенгая борди, меҳнаткашларнинг миллионлаб сўм пуллари «ишбилармон», «эпчиллар» қўлига ўтаверди. Улар эса махфий иқтисодиётнинг ривожланиб боришига хизмат қилди.

Махфий иқтисодиёт фавқулодда чигаллашиб кетган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг турли кўринишида халқ хўжалиги тармоқларида намоён бўлади. Бу ҳодиса жаҳондаги қатор давлатларда қадимдан мавжуд. Ривожланган капиталистик мамлакатларда у миллий даромаднинг 5—7 фоизини ташкил қилади.

Унинг асосий манбаларини шартли тарзда учга бўлиш мумкин: 1. Тартибсиз (қонундан ташқари) шахсий ишхона ва артеллар фаолияти. Бунда хусусий усталар артелларда ортиқча товар ишлаб чиқариб, тайёрланган ортиқча маҳсулотдан давлат бюджетига солиқ тўлашмайди. 2. Ишлаб чиқариш воситалари чайқов бозорида сотилишидан келадиган даромад. Бу —олиб-сотарликдан иборат бўлиб, бозорда улар ҳукмронлик қиладилар. 3. Уюшган иқтисодий жиноятчилик.

Махфий иқтисодиётнинг марказида жамиятнинг иллати бўлмиш порахўрлик ётади. Турғунлик даврида махфий иқтисодиёт қанчалик ривож топгани ошкоралик туфайли ҳозир ҳаммага маълум. Кейинги вақтда жамият ҳаётида у яхшигина механизмга эга бўла бошлади. Шунинг учун ҳам унинг тазйиқини барча кишилар яққолроқ сеза бошладилар. 1985 йилда савдо ташкилотларининг ўғирлик-камомади 171 миллион сўмни ташкил қилган. Қурилишда, завод-фабрикаларда, темир йўлда ўғирликлар кўпайди. Маълумотларга қараганда, кишилар ҳар 100 сўмнинг 10 сўмига молни чайқов баҳосида четдан сотиб олишган. Қурилиш материаллари харид қилишга кишилар оила бюджетининг учдан бир қисмини сарф қилдилар.

Яна бир ҳолни назардан четда қолдириб бўлмайди. Миллионлаб граждан иш жойларида ташмачилик билан ўғирлик қиладилар. Бу билан улар махфий иқтисодиётнинг тараққий этишига беминнат хизмат қиладилар. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, мамлакатдаги махфий капитал 60—80 миллиард сўмни ташкил қилади. Миллионерлар эса тахминан 30 минг кишига тўғри келади. Жумҳуриятимизда «пахта иши»ёрқин эълон қилинган маълумотга кўра, махфий капитал 2 ярим миллиард сўм деб ҳисобланмоқда. Демак, Иттифоқ миқёсидагига солиштирганда, жумҳуриятимиздаги махфий капиталнинг улуши 3—4 фоизни, 75—80 та миллионер эса 0,3 фоизни ташкил этади.

Темир йўлдаги ўғирлик, товарларнинг бузилиши қимматга тушмоқда. Кейинги икки йил ичида мамлакатда 50 мингдан кўпроқ ўғирлик содир этилиб, 10 минг киши жиноий жавобгарликка тортилган. Биргина Тошкент товар станциясида юк эгаси бўлмиш ташкилотларнинг вакиллари билан биргаликда темирйўл ходимлари 35 минг сўмлик чет эл молларини ўғирлашгани маълум.

Ўғирланган моллар қаерда сотилади? Албатта, чайқов бозорида икки-уч баравар қимматига-да! Бир қараганда бозорда оладиган нарса бўлгани туфайли пулнинг қадрсизланаётганини сезмаймиз ҳам. СССРда кооперация (ширкат) ҳақидаги Қонун чиққанидан сўнг махфий иқтисодиёт янада ривожланиб кетди. Ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган кооперативлар олди-сотдини кучайтириб юбордилар. СССР Прокуратурасининг маълумотига қараганда, ўғирликларнинг учдан бир қисмини кооперативчилар содир этган. Уларнинг давлатга келтирган зарари миллионлаб сўмни ташкил қилган бўлса, ишбилармон олиб сотарлар бундан 1 миллиард сўмни чўнтакка урганлар. Лекин бу — барча кооперативлар ёмон деган гап эмас. Кўплаб кооперативлар расмий иқтисодиётга хизмат қилиб, аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан таъминламоқдалар, тақчилликни юмшатиб келишяпти.

Махфий иқтисодиёт орқали тўпланган пулларнинг бир қисми чўкиб қолади. Бир қисми товарга айланиб, ҳаракат қилади. Бунда у нарх-навонинг кўтарилишига сабабчи бўлади. Бизнингча, мамлакатда рўй бераётган иш ташлашлар, митинглар, миллатлараро можароларнинг тегирмонига сувни шу махфий иқтисодиёт қуйиб турибди. Бир йилнинг ичида юқоридаги ҳодисаларнинг ўзидан саноат ва қурилишда 7 миллион иш куни йўқотилган.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги хатолар ҳисобига мавжуд корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаслиги содир бўляпти. Фарғона водийсининг ўзидагина 450 минг иш жойи етишмаслиги расмий иқтисодиётда ва уни соғломлаштиришда қийинчилик туғдирди. Яхшиямки, ҳукумат бу аҳволни ҳисобга олди — СССР Министрлар Совети Фарғона водийсида янги иш жойларини вужудга келтириш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Ўзбекистон партия ташкилоти ва ҳукумати ана шу қарорда кўзда тутилган режаларнинг амалга оширилиши чораларини кўрмоқда.

КПССнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида иқтисодий омилларни ишга солиш билан расмий иқтисодиётни ойдин йўлга олиб чиқиш — туб иқтисодий ислоҳотни тезроқ амалга оширишни кўзда тутмоқда. Хўжалик юритишни тўла демократиялаш йўли тутилаётгани эса кишиларда умид уйғотмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилди. Иқтисодиётни соғломлаштиришда кадрлар сиёсати тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ ва Япония 80-йиллар бошидаёқ барча раҳбарларнинг 90 фоизини ҳуқуқшунос, иқтисодчи, молиячи, «бизнес» мактабини тамомлаганлар ҳисобига алмаштириб бўлди. Бизда эса цех бошлиғидан тортиб то министргача инженер, агроном (врачлар ҳам учраб туради) кабилардан иборат бўлиб қолмоқда. Бундай мутахассислар ишлаб чиқаришда раҳбарнинг ўнг қўли бўлиши керак. Раҳбар эса сўм билан ишлай оладиган иқтисодий омилларни топиб, ишга тушира оладиган ва ниҳоят масъулиятни бошқалар гарданига юкламай, ўзи қўрқмасдан дадил ҳаракат қила оладиган мутахассислар бўлиши керак. Буни ҳаёт кўрсатиб турибди. Бундай раҳбарларни тайёрлашга тез киришиш вақти етди. Ҳаракат дастурида ана шу мулоҳаза ўз йўли билан акс этса, махфий иқтисодиётнинг пайини қирқиш тезлашади, деб ҳисоблаймиз.

Р. АБДУМАЖИТОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Литва Олий Советининг сессияси

ВИЛЬНЮС, 19 март. (ТАСС мухбири). Бир кунлик танаффусдан сўнг Литва Олий Советининг биринчи сессияси бу ерда яна ўз ишини давом эттирди.

Депутатлар Литва Олий Советининг Раиси В. Ландсбергискинг республикадаги сиёсий вазият тўғрисидаги докладини тингладилар, республика янги қонун чиқарувчи органининг структураси ва фаолият принциплари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Литва парламенти республика аҳолисининг СССР Қуролли Кучларида хизмат қилиши ва Литва территориясида ҳарбий қисмлар мақоми муаммолари билан боғлиқ масалалар муҳокамасини давом эттирдилар. Бугун Олий Совет баёнот қабул қилди, унда Совет Армиясининг Литвада бўлиш мақоми юридик жиҳатдан асоссиздир, дейилган, шу билан бирга парламент аъзолари республика аҳолисини ҳарбий хизматчиларга нисбатан дўстлик муносабатида ва хушмуомала бўлишга даъват этдилар.

Маҳаллий Советлар депутатлари сайловини ўтказиш билан боғлиқ баъзи масалалар муҳокама қилинди. Сайлов 24 мартга белгиланган.

Эртага сессия ўз ишини давом эттиради.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

● Андижонда очилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларига, Фарғона водийсини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига бағишланди.

Унинг ташкилотчилари — Бутуниттифоқ иқтисодий жамиятининг марказий правленияси, унинг республика бўлими, СССР Фанлар академиясининг президиуми ҳузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ва табиий ресурсларни ўрганиш комиссияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Андижон область партия комитети, Тошкент халқ хўжалиги институтидир.

Конференцияда қатнашиш учун Москва, Ленинград, Киевдан, мамлакатнинг бошқа илмий марказларидан олимлар келишди. Конференция ишида Фарғона водийси, Ленинобод ва Ўш областлари олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Уч кун давомида конференция қатнашчилари регионни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларга оид тадқиқот иши тажрибасини баҳам кўрадилар, амалий тавсияномаларни ишлаб чиқадилар.

(ЎзТАГ).

МУАЛЛИМЛАР АНЖУМАНИ

● Мамлакат турмушининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш халқ маорифига юксак талаблар қўймоқда, ёшларни тарбиялаш системасини тубдан яхшилашга ундамоқда.

Педагогика ўқув юртлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида шу фикр таъкидланди.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министри К. Ю. Юсупов педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари ҳамда ўқув юртларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълимнинг фаол воситаларини жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Қаҳрамонлар оиласида

● Саидазим ака ва Бозорхон аяни Қўштегирмон қишлоғида ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Улар тарбиялаб вояга етказган фарзандларнга ҳавас билан қарашади. Эл орасида обрў топган оиладан ибрат олишга ундашади.

Чиндан ҳам шундай. Бу оилада 10 фарзанд бор. Бирбиридан меҳнатсевар, ота ва она қошида парвона.

С. Тўхтасинов қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фаол ишлаганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, Бозорхон ая эса «Қаҳрамон она» нишондори. Оила бошлиғи қарилик гаштини сураётган бўлса ҳам колхоздаги агроучасткага бошчилик қилаётир.

СУРАТДА: Боғдод ноҳияси Қўштегирмон қишлоғи, «Пахтакор» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Тўхтасиновлар оиласи аъзолари.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• Биз—тартиб ва хотиржамлик тарафдоримиз

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги 22 февраль куни эълон қилинган Фармони хусусида республика оммавий ахборот воситаларига меҳнаткашлардан ҳануз мулоҳазалар битилган кўплаб мактублар келиб турибди. Одамларнинг аксарият кўпчилиги мазкур Фармон қондалари ўз вақтида эълон қилингани ва жуда зарурлиги тўғрисида якдил фикр билдирмоқдалар. Биз ҳаммамиз яхшироқ яшашни истаймиз, бунинг учун эса, аввало, хотиржам, унумли фаолият учун муҳит яратувчи вазиятда меҳнат қилиш керак. Ҳеч қандай митинг унга ҳар қанча кўп одам йиғилганида ҳам, тўпланиб қолган муаммоларни самарали ҳал этишга қодир эмас. Эришган ютуқларимизни йўққа чиқаришга эса — қодир.

Бугун биз Ўзбекистоннинг турли районларидан келган мактублардан парчаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ветеранлар сўзи

● Биз, Тошкент шаҳар Ленин районида истиқомат қилувчи партия, уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонини қўллаб-қувватлаймиз, бу муваққат чора вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беришга, республика корхоналарида нормал меҳнат маромини таъминлашига жуда ишонамиз.

Биз ота-оналарга, турар жойлардаги маҳалла жамоатчилигига, ветеранлар ташкилотларига, хотин-қизлар кенгашларига мурожаат қилиб, уларни ўз фарзандларининг хулқи учун масъулиятни оширишга ва уларнинг жиноятчи унсурлар билан биргаликда ва тартибсизликларда қатнашишларига йўл қўймасликка даъват этамиз. Ленин райони ветеранлари орасида турли миллат вакиллари бор, биз Ватанимиз учун оғир бўлган йилларни бошимиздан кечирганмиз, лекин орамизда ўшанда ҳам худди ҳозиргидек душманлик кайфияти бўлмаган. Бизнинг бутун фикр-хаёлимиз ва ишларимиз жамиятимиздаги қайта қуришни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилган. Фармон республикада жамоат тартибини изга солишга, вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Н. РУСТАМБЕКОВ,
Тошкент шаҳар Ленин район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси.

Кулфатнинг олдини олиш учун

● Бизнинг Ильич районимизда ҳозир ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муаммолар қалашиб ётибди. Турғунлик йилларининг асорати ҳануз сезилиб турибди: ерлар қайта шўрланяпти, шоша-пиша комплекс бўлмаган тарзда қурилган посёлкалар аҳоли эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондирмаётир, қишлоқларни ободонлаштириш ва якка тартибда фойдаланиш учун ер участкалари ажратиб бериш истаганимиздан кўра анча суст суръатда бормоқда. Бундай муаммоларнинг кўпи бизда — Ўзбекистонда қадим замонларданоқ ҳашар йўли билан ҳал этиларди. Лекин бу ҳашарларга одамлар гап сотиш учун эмас, балки ҳамқишлоқларига ёрдам бериш учун кетмон, белкурак, замбил кўтариб борардилар. Нутқлар сўзланмас, ваъдалар берилмасди — одамлар ўзларига яраша иш топиб уннаб кетаверардилар. Натижада эса уй қад кўтарар, ҳовлида қудуқ пайдо бўларди. Бу ҳар қандай митингдан, ҳатто унда тўғри гаплар айтилса ҳам, юз карра фойдалироқ бўларди. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, сўзлардан ҳатто чоғроқ сомонхона ҳам қуриб бўлмайди.

Маҳмадоналар эса, назаримда, кейинги пайтларда жуда кўпайиб кетди. Мен демократиянинг, ошкораликнинг кенгайтирилишига асло қарши эмасман, мен одамлар ўзларининг ҳар қандай фикрларини эркин билдира олишлари тарафдориман. Лекин мен осонгина кулфатга айланувчи «митинг»ларга қаршиман — Бўка ва Паркентдаги воқеалар бунинг далили бўла олади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган Фармон эркинлигимизни бирмунча чеклаб қўйди, албатта. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бу чеклашлар деҳқон ёки ишчига қарши қаратилган эмас — меҳнат коллективлари йиғилишларида, касаба союз йиғилишларида фикр билдирилишига ким ҳам халал берарди? Лекин айрим шахслар учун бу Фармон, афтидан, томоққа тиқилган суякдек бўлди. Улар ҳар қандай минбарга чиқишга тайёрлар, фақат ўз жиззакилигини яна бир бор намоён этиш имкониятига эга бўлсалар кифоя. Шунинг учун ҳам мен район хўжаликларида кейинги пайтларда учрашишимга тўғри келган одамларнинг аксарияти бир хил фикр билдиряпти: ҳозир бизга ҳар хил намойишлар ва митинглар камроқ, хотиржам ишлаш учун имконият кўпроқ бўлгани маъқул.

Р. ЯЛТАЕВ,
Ильич район ижроия комитетининг раиси.

Бақироқлар жонга тегди!

● МЕН андижонлик оддий меҳнаткаш, оғир юк ташувчи машиналар ҳайдовчисиман, бутун авлод-аждодларим Ўзбекистонда яшаган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўз вақтида чиқарилганига ва у республикадаги вазиятни барқарорлаштиришда ёрдам беришига ишончим комил. Хўш, нима учун мен шундай деб ҳисоблаяпман? Шунинг учунки, кўчаларда ҳеч бир нафсиз сандироқлаб юрувчи бақироқлар тўдалари менинг ҳам, ҳамкасбларимнинг ҳам жонига тегди, улар турмушимизга фақат тартибсизлик ва ола-ғовурни бошлаб киришди, холос. Шундай пайтлар ҳам бўладики, ана шундай митинглар ва кўча юришлари туфайли ҳамма йўллар тўсиб қўйилиб, машинада бу жойдан ўтиб кетишнинг сира иложи бўлмай қолади.

Бундан ташқари, фақат кўчалардаги қатновгина эмас, халқ хўжалиги ва саноат корхоналари ҳам ишдан тўхтаб қолади. Чунки биз у жойларга юкларни ўз вақтида етказиб боролмаймиз, демак — маҳсулот ишлаб чиқарилмайди, халқ эса кўчалардаги тўдалар, етишмаяпти, деб жар солаётган нарсаларни ололмайди. Митингбозлар ўз иш жойларида бўлмасликлари туфайли йўқотилган қанчадан-қанча иш вақти тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳамкасбларимнинг аксарият қисми қабул қилинган Фармон вазиятни барқарорлаштиришда ёрдам беришига, меҳнат интизомини мустаҳкамлашига қатъий ишонади, бу пировард натижада жамият учун ҳам, ҳар биримиз учун ҳам фойдалидир.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Андижон автокомбинатининг ҳайдовчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

КЕЛАЖАГИМИЗ, БАХТИМИЗ ДЕЙМИЗУ, НЕГА ҲОҲИДА БУ ТУЙҒУЛАР ЎРНИНИ ЛОҚАЙДЛИК, БЕПАРВОЛИК, БЕБУРДЛИККА БЎШАТИБ БЕРАМИЗ!

БИРИДА ДИЁНАТ, БИРИДА ХИЁНАТ

Болалар соғлиғини муҳофаза қилиш—«Совет Ўзбекистони» ва Республика телевидениеси назоратида

Иттифоқда ягона

Илгари деярли ҳар куни радио, телевизор орқали нимадир иттифоқда биринчи бўлиб ишга тушгани, ягона эканлигини эшитардик. Газеталарда ҳам бундай хабарлар кўзга ташланарли жойдан ўрин оларди. Астасёкин кўпик хабарларга кўникдик, сўнг нафратимиз ошди, ундан кейин эса ҳақиқатга кўчдик. Шу боисмиқан, қорадан келган, қотмагина, ёш профессор Азамат Шамсиев «болалар жарроҳлик касалхонаси иттифоқ вилоятлари ичида биринчи бўлиб бизда ташкил этилди» деганида аввалига бу гап «қизил сўз»лардан тузилгандек туюлди. Аммо бу касалхонанинг кечаги тарихидан хабардор бўлганимиздан кейин у сўзлар самимий эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

1-область касалхонаси ёнида кўп қаватли бино қурилганда уни катта ёшдаги кишиларни даволайдиган жарроҳлик бўлимига мўлжалланганди. Бундай бўлим бошқа жойларда ҳам бор эди, лекин болалар учун шифохона йўқ эди. Самарқанд медицина институти болалар хирургияси кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори Азамат Шамсиев ана шу масалада қатъий туриб олди. У болаларга қайишмайдиган, ўз манфаати учун келажакни ҳам оёқ остига «ёзиб» юборадиган кишилар анчагина эканлигини илк бор ана шунда сезди. Минг хил баҳоналар билан йўлни тўсишга уриндилар. Адолат устун келди. Профессорнинг курашлари зое кетмади. У Самарқандда 200 ўринли болалар жарроҳлик шифохонасини очишга муваффақ бўлди.

— Мен Советобод районининг Оқсой қишлоғиданман, — дейди боласини қучоқлаб ўтирган аёл Ойимхол Жумаева. — Қизим тўрт ёшга кирди, туғилганидан бери касал. Шамолламатиб, ўпкасини чиритиб қўйибмиз, агар шу касалхонага келмаганимда боламдан айрилиб қолардим. Жарроҳларнинг меҳри туфайли унинг ҳаётини сақлаб қолдим. Уларга қуллуқ қиламан...

Ана шундай илиқ сўзларни кўп эшитдик. Шифохона ўтган йилнинг декабрь ойида ишга тушган бўлса, ҳозирга қадар мингдан зиёд болани қабул қилди. Жарроҳлар 600 дан зиёд операция ўтказдилар. Демак, келажагимизнинг юзлаб ворислари ҳаётига саломатлик кириб борди.

— Шифохонани касаллик турларига қараб, бўлимларга ажратганмиз, — дейди Азамат Муҳиддинович, — келгусида бу ерни илмий-амалий бирлашмага айлантирамиз. Замонавий илмнинг ҳамда шарқ табобатининг барча техника қулайликлари болаларга хизмат қилиши керак. «Биз ҳамма нарса болаларга» деган шиорга ўрганиб қоляпмиз. Қаранг, ҳозир болаларда эхонокоз касаллиги кўп. Уларнинг ўпкасида, жигарида сув тўпланади. Агар «Алока» деган ультратовуш аппарати бўлса, ана шу сув шари бир тийинлик танга шаклидагидаёқ аниқланади ва давосига киришилади. 25 минг сўм турадиган бу аппарат наҳотки болалардан азиз бўлса?

Ҳа, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлигида бу хусусда ўйлаб кўришса зиён қилмайди. Агар шу маблағни топиша олишмаса, кўплаб жамғармалар бор, уларга мурожаат этмоқ зарур. Мана, «Наврўз» жамғармаси ҳам тузилди. Ишончимиз комилки, бу жамғарма болалар учун, Самарқанд вилоят болалар жарроҳлиги шифохонаси учун маблағ ажратиб бера олади!

Қабристонсиз қолган қишлоқда

Тошкент — Бухоро йўли. Кимлар ўтмаган бу катта йўлдан. Шак-шубҳасиз кўпгина раҳбарлар Иштихон районининг сарҳадидан ўтиб Каттақўрғон бошланиши биланоқ, шу ердаги «Пролетарий» колхозининг довруғи ҳақида сўз очишган. Катта йўлдан қайрилиб, биринчи қишлоққа кирдик, оғир манзара... Агар қайси бир тоғ бағридаги қишлоқ бўлганда, марказдан олисроқ, кўз қиридан қочган-да дер эдик. Шундайгина асосий йўл ёқасидаги қишлоқ қандай қилиб «Орол»га айланиб қолди экан.

— Сингилжон боғча борми, бу қишлоқда? — сўраймиз тўрт-беш боласи гирдикапалак бўлиб ўйнаётган кир юваётган аёлдан.

— Кўриб турибсиз-ку, болалар ит билан қувлашмачоқ ўйнашяпти. Боғча бўлганда боришарди-да.

Савол берганимиздан изза бўлиб, қишлоқ ичкарисига бордик. Қаттиқроқ шамол турса йиқилиб кетиши мумкин бўлган кўримсиз бино ёнида тўхтадик.

— Бу мактабча, — дейишди, — учинчи синфгача болалар шу ерда ўқишади. Кейин 4—5 километр йўл босиб, нариги қишлоқларга қатнашади.

— Болалар озми? Нега боғча йўқ?

— Ким айтди йўқ деб. Бор, ана бориб кўринглар. Болалар мингдан зиёд.

Деворлари нураб тушган, деразалари синган омборхонага ўхшаган бино ёнига келишимиз билан ёш болаларини кўтариб олган аёллар кела бошлашди.

— Бу мавсумий боғча, — деди Бўстон Йўлдошева, — Пахта вақтида 20—30 боланинг қунига ярайди. Аммо бу ердан фақат касаллик орттиради, холос. На кўрпаси, на кўрпачаси бор. Увадаси чиққан учтўртта тўшакнинг «иш стажи» ўн беш йилдан ошди. Мен ҳамшираман. Аммо боламни беришга на ясли, на боғча бўлмагани учун ишсиз юрибман.

— Мен ҳам ҳамшираман, — дея суҳбатга қўшилди Б. Саидова. — Ҳозир уйда болаларга қарайман. Эшитишимча раисимиз Номоз Гадоев область Советига депутат бўлибдилар.

— Э, сайловчиларга ҳам ҳайронсан. Қандай сайлашди экан, — қўшимча қилди Б. Йўлдошева. — Мурғак қишлоғига бирор марта келмаса, йўлларимизда ўтишга қўрқса керак-да.

— Бизнинг қўшни Кўкан қишлоққа ҳам келмайди, — деди Марзия Саидова. — Далага чиқсак, болаларимизни бировларнинг уйига ташлаб чиқамиз.

— Ҳозир 53-мактабга йўл ҳам қолмади. Болаларимизнинг аҳволига ачиниб, кўз ёши қилишдан бошқа иложимиз йўқ, — дейишди аёллар, — Қабристонимизни ҳам топташди.

Аёллар, оналарнинг изтиробли сўзларига дош бериш оғир эди. Ўй-хаёлга ботиб қабристон ёнига келдик. Ё раб! Алҳазар, алҳазар! Кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа, Қани имон?! Қани диёнат?! Қани инсонийлик, одамийлик?! Оталар руҳи, момолар арвоҳига хиёнат-ку бу?! Ахир, қабристон устида ферма қуриш кимнинг ҳаёлига келди?

Биз шу куниёқ область раҳбарларидан бу жойга санитария-эпидемиология станцияси ходимларини юборишни талаб қилдик. Чунки бу ерда кутиб турадиган ҳол эмас, шошилинч тадбир, чора кўрилмоғи зарур эди. Янги сайланган, халқ депутати Намоз Гадоевнинг «довруғи»ни, у раҳбарлик қилаётган хўжалик нега бу қадар кўз-кўз этилаётганини ўзларининг виждонларига ҳавола қилдик-да, шу райондаги «Қорадарё» совхозига йўл олдик.

Иска қишлоғидаги боғча ёнига келишимиз биланоқ, қўлларидаги тўрхалта, сумкаларни тўлдириб олган уч аёл қоча бошлашди. Уларни ортга қайтаришга тўғри келди.

— Мен бу ерда кир ювувчиман, — деди улардан бири Аширой Раҳмонова. — Мана бу гўштни, сабзини ҳамшира Иноят Рустамова менга бериб, бирор жойга йўқотинг, текширувчи келди, деди. Кейин, мен...

Куппа-кундуз, соат 15.00. Боғча мудираси Зиёда Жумаева кетиб қолган.

— Ҳар куни аҳвол шуми? — сўраймиз тарбиячи Ўралтош Султоновадан.

— Бундан ҳам баттарроқ. Бу ерда ҳамма нарсани пулимизга сотиб оламиз...

«Эҳтиёт бўлиб гапир, Ростни айтсанг, Ҳамида Усмоновага ўхшатиб, сени ҳам сиғдиришмайди». Бу луқмага Ўролтош эътибор қилмади.

— Газ йўқ эди, овқат пиширилмади. Келтирилган сутни ҳам қатиқ қилиб қўйдик. Боғча ҳовлисида электр станцияси. Неча кундан бери қарсиллаб олов, товуш чиқаради. Юрагимизни ҳовучлаб ўтирибмиз...

Чўмичда гуруч, музхонада гўшт

Қўлимизда ўнлаб ариза-лар. Улар ушбу сатрлар муаллифларидан бирининг номига, депутатга ёзилган, ҳаммасида ёрдам, нажот сўралади. Болалар тақдири, саломатлиги хусусида сўз боради.

«Мен 15 фарзандининг отасиман. Бундан саккиз йил бурун қуртга тут чопаётиб, дарахтдан йиқилиб, белим синиб, тўшакка михландим. Шу йили умр йўлдошим оламдан ўтди. Ўғилларимдан бири армияда. Мактабга қатнаётган болаларим қийналиб қолди, шароитимиз оғир...

Салом билан: Жомбой районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг собиқ аъзоси Ўлмас Ёқубов».

Хатлар... Изтиробли хатлар. Ўлмас аканинг хонадонига бош суқсангиз вужудингизни қалтироқ босади. Саволлар қуйилиб келаверади. Навбати эса йўқ. Болаларнинг кийим-бошини кўриб, қаерда эканлигингизни унутасиз. Наҳотки, бизнинг жамиятда шу қадар хорлик, шу қадар зорлик! Йўқ, бу эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли ёддан чиққан хонадон. Биз шу аҳволни область 1-агроқурилиш трести бошқарувчиси Ўзбекистон ССР халқ депутати Р. Насимовга гапириб бериб, ундан нажот сўраганимизда «Наврўзга қадар бепул ремонт қилиб берамиз» деди. Раҳмат айтдик. Лекин бу сингари хонадон Қўлқишлоқ (номига қаранга?)нинг ўзида ўнлаб топилади. Район меҳр-мурувват жамияти эса ишламаяпти.

— Шошилинч равишда жамиятнинг йиғилишини чақириш, Наврўзда камбағалларга ёрдам бериш учун ташкилотлардан ёрдам, хайрия кўчиришни ташкил қилиш зарур, — деймиз райкомнинг биринчи секретари А. Сатторовга.

У дарров керакли кишиларга топшириқ беради. Иш юришиб кетди. Пул жамғарила бошланди. Наврўз куни юзлаб қаровсиз болаларга ёрдам уюштирилди. Биз истаймизки, бу иш Наврўзда бошланиб, Наврўзларгача давом этсин, доимий бўлсин!

Жомбой районидан ўтиб Булунғурга келдик.

Райкомнинг биринчи секретари С. Сотиболдиев ҳузурига кирдик.

— Областда болалар саломатлиги, уларнинг истиқболи учун кўп иш қилишяпти. Биз тасвирга асосан салбий ҳолатларни туширдик. Бирор яхши жойни айтсангиз...

— Ҳозир яхши нарсани чироқ ёқиб топиб бўлмайди, — деди у. — Қийин.

Шунга қарамасдан мақтовли мактаблардан бирини тавсия этишди. Бу ерда болалар ошхонаси фаолияти билан танишмоқчи эдик. Ошхонага киришимиз биланоқ кўзимиз темир косачадаги гуручли сувга тушди.

— Гўшт солмайсизларми?

— Бу куни узайтирилган группага тайёрланган. Ҳозирча гўшт йўқ, — деди катта ошпаз Абдулла Бўтаев.

Ҳангома шундан кейин бошланди. Музхонани кўрсак, анчагина гўшт яхлатиб қўйилган.

— Бу ерда қанча гўшт бор?

— 32 килограмм...

— Ҳужжати қани?

— Ҳали беришгани йўқ.

Қарангки, ҳужжати ҳам топилди. Ошхона эллик килограмм гўшт олган экан. Музхонадагини тортиб кўрсак 27 килограмм.

— Қолгани қани?

— ...

Мактаб директорининг тушунтириш хатидан. Мен 26 февраль куни ошпаз иштирокида ўқитувчилар билан муҳокама ўтказдим. Ошпазнинг менюларида гўшт кўрсатилмаган эди. У гўшт олмаяпман, беришмаяпти, деган эди.

Жамоатчилик вакиллари тузган актдан. Рейд куни текширилганда аниқланишича ошпаз 26 февраль куни таъминот дўконидан 50 килограмм гўшт олган, овқатга ишлатмаган, 23 килограммни қаерга қўйганини изоҳлаб беролмади.

Ҳа, 1-март кунги таомга ҳам гўшт солинмаган эди. Бу ўғирликми, жиноятми, хиёнатми? Буни аниқлаб беришни район ички ишлар бўлими БХСС вакили Холиддин Норпўлатовдан сўрадик. Ҳалигача жавоб йўқ.

Хуллас, яхшини ҳам кўрдик, ёмонни ҳам. Диёнатлини ҳам кўрдик, хиёнатлини ҳам. Иштихонда энди туғилган болалар саломатлигини мустаҳкамлаш маркази очилгани яхши. Жомбойда «Жомбой» совхоз идораси касалхонага бўшатиб берилибди. Аммо, ижобий ҳолдан кўра салбий воқеалар кўпроқ. Қўшработ, Нарпай, Пахтачи, Советобод... Қўйингки, истаган районда ҳам яхши, ҳам ёмон мавжуд. Гап ана шу ёмонни ҳам яхшилар сафига қўшишда. Шу боис биз сўнгги нуқтани қўймоқчи эмасмиз. Рейдимиз давом этади. Бугун нуқсони бор жойларга ҳам ҳали қайтамиз. Сўзимиз хотимасида фақат бир нарсани катта афсус билан таъкидламоқчимиз. СССР Министрлар Советининг 1960 йилги 622-қарорида хўжаликларнинг болалар боғчаларига, муассасаларига берадиган маҳсулотлари сотиш планига киритиш учун рухсат берилган экан. Аммо қайта қуриш даврининг қарорида — 1989 йил 13-қарорда бу бекор қилинган. Оқибатда болаларга қийин. Яъни, Иштихондаги колхоз ёғлилиги 4,3 фоиз атрофидаги сутни қабул пунктига топширади, у эса Каттақўрғон сут комбинатига. У ердан ёғлилиги 2,2 бўлган сутни харид қилиб олиб келишади ва болаларга ичиришади. Тағин колхоз сотганидан харид қилингани қимматроқ. Биз ўйлаймизки, Ўзбекистон парламенти ўзининг биринчи сессиясидаёқ қайта қуришга, бугунги ҳаракатларимизга зид бўлган бу қарор ҳақида ўз муносабатини билдиради. Токи, болаларга диёнатли бўлайлик.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Т. МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевидениесининг болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар Бош редакцияси бўлим мудири.

• Ўзбекистон ва жаҳон

Ирландия маданияти кунлари

Ўзбек халқининг одатига кўра, меҳмон остона ҳатлаб уйига қадам ранжида қилиши билан унинг қўлига сув қуядилар, оппоқ сочиқ узатадилар — бу покизалик, чин дўстлик ва самимийлик рамзидир. Серқуёш Ўзбекистон пойтахтида бошланган Ирландия маданияти фестивали қатнашчиларини ана шундай кутиб олдилар.

Меҳмонларнинг келиши Наврўз шарафига ўтказилаётган тантаналарга тўғри келди, шу сабабдан ҳам улар ўзбек диёрига қадам қўйишлари биланоқ байрамона кайфиятни ҳис этдилар. Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозининг табаррук отахонлари узоқ мамлакат намояндаларини рақсосалар ва аскиячилар томошасига, аскиячиларнинг мусобақасига таклиф этдилар, қўли гул ва пазанда уй бекалари эса кўклам таомлари — сумалак, ҳалим ва шарқ қандолатларидан татиб кўришни таклиф қилдилар.

— Байрамимиз байрамга уланганлиги биз учун кутилмаган воқеа бўлди, — деди «Ирландия — СССР» жамиятининг президенти Нора Харкин. — Биз бу ерга келишимиздан олдин Ватанимизда «Муқаддас патрик куни»ни байрам қилган эдик. Олти ҳафта давом этган байрамимиз ажойиб карнавал билан ниҳояси етди. Одатда ушбу байрамдан кейин рождествога ўхшаш кунлар бошланади — одамлар бир-бирларига совға-салом улашадилар, ширинликлардан тановул қиладилар. Шундай қилиб, бу ерда ўзимизни худди уйимизда юргандек ҳис қилдик. Делегациямиз Ўзбекистонга хусусан шу вақтда келиш бахтига муяссар бўлганидан ғоят хурсанд. Тошкент автомобиль йўллари институтида фестивалнинг расмий очилиш маросими бўлди. Фестиваль қатнашчиларини чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳайъатининг раисаси С. У. Султонова табриклади.

Фестиваль программасида маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар қилиш, бир қанча маданият муассасалари, болалар уйларига бориш кўзда тутилган. Ирландия делегацияси аъзолари орасида Майк Хьювитт телевизион группаси ҳам бор. Бу ижодкорлар Ирландия маданиятининг ўзбек диёридаги биринчи байрами тўғрисидаги фильмни суратга олмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Италиялик ўқувчилар Тошкентда

● Соперно шаҳридаги «Тассо» мактаби ўқувчилари серқуёш диёримизда меҳмон бўлишди. Ўтган йили жумҳуриятимиз мактаб ўқувчиларининг вакиллари Италия бўйлаб сафарда бўлишган эди.

СУРАТДА: италиялик ўқувчилар В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилари саройида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«Совет Ўзбекистони» «Наврўзнома»си

ХАЙРЛИ ТАДБИР

● Жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби қадимий Хоразм диёрида ҳам Наврўз байрами зўр шодиёна билан нишонланди. Қутлуғ айём кўчат экиб, боғ яратиш, ўлкани яшиллик, гўзаллик, тўкинлик масканига айлантириш билан қарши олинди.

ОБЛАСТДА буюк олимлар, шоирлар, санъаткорлар, оммавий ахборот воситалари боғларини яратиш бўйича анчагина ишлар қилинмоқда. Куни кеча бу ерда ана шундай хайрли тадбирлардан яна бири ўтказилди.

Урганч районидаги Энгельс номли колхозда «Совет Ўзбекистони» газетаси дўстлари боғини очишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Боққа район меҳнаткашлари, санъаткорлар, партия, совет, хўжалик активлари йиғилишган. Газета редакцияси вакиллари ҳам шу ерда. Пионерлар меҳмонларни гул ва қўшиқлар билан қарши оладилар.

Албон боғини «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳаррири Р. Раҳмонов қирқиб, йиғилганларни боққа таклиф этди. Боғ ўртасидаги сўлим ижодхона ҳовлисида қисқа митинг бўлиб ўтди. Унда вилоят партия комитети котиби Э. Самандаров, таниқли адабиётшунос олим М. Қўшжонов, фалсафа фанлари доктори, профессор И. Жабборов, колхоз бош боғбони З. Болтаев, Урганч районидаги Мунис Хоразмий номли совхоз директори Ш. Юсупов ва редакция ходимлари сўзга чиқдилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ДЎСТЛАРИ БОҒИ ОЧИЛДИ

●

Сўнгра колхоз маъмурияти ва «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва оталиқ ёрдами тўғрисидаги шартнома имзоланди. Меҳмонлар ва колхоз меҳнат аҳли боғ учун мўлжалланган янги беш гектарлик ерга кўчат экдилар.

Шундан сўнг оммавий сайил бошланди. Санъаткорлар ўз санъатларини намойиш этишди. Пазандалар сайил қатнашчиларини сумалак, кўк сомса, кўк барак каби Наврўз неъматлари билан сийладилар.

К. РИХСИЕВ,
А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

АНЪАНАЛАР ГАШТИ

Қашқадарё воҳаси шаҳар ва қишлоқларида Наврўз тонги ўзгача манзара кашф этди. Дарахтлар қийғос гуллаган. Навқирон Қарши шаҳри маҳаллаларида субҳидамданоқ карнай-сурнай садолари янгради. Қариялар ва ёшлар халқ сайиллари ўтаётган майдонларга лабларида табассум билан шошилмоқдалар. Туни билан тайёрланган Наврўз таоми — сумалак ҳиди дошқозонлардан оламга таралмоқда. Дастурхонларда ранг-баранг таомлар, ширинликлар. Айниқса шаҳарнинг Ленин, Муқимий, Достоевский номли маҳаллалари, маданият ва истироҳат боғи, эски шаҳардаги болалар истироҳат боғида халқ сайиллари кечгача тинмади. Одамларга бепул сумалаклар улашилди.

Шаҳрисабз вилоятнинг қадимий шаҳри. Наврўз куни тарихий ёдгорликлар ҳам тилга киргандай бўлди. Кўшни Китоб райони қишлоқларида ҳам ҳамма-ҳамма анъанавий байрам — Наврўзни зўр шодиёна ва хуррамлик билан нишонлади. Қамаши ва Яккабоғ районларида табиат ўзгача гўзаллик бахш этди. Қир ва адирлар ям-яшил тусга кирган. Ҳамма жойда Наврўз нафаси сезилмоқда. Яккабоғ райони марказида ишга туширилган чойхонага «Наврўз» номи берилди.

Вилоятнинг қўриқ районларида ҳам чўлқуварлар халқ байрамини қалбларида катта қувонч билан нишонладилар. Косон районида ўтказилган халқ сайилларида кейинги йиллари анъанага айланган маданият тармоқларига қарашли бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари ва спорт мусобақалари, кўрик конкурслар, қўчқор ва хўрозлар жанги томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Ульянов райони маркази Наврўз куни жуда ҳам гавжумлашди. Район партия ва ижроия комитетлари биноси яқинидаги майдонда Тошкентдан келган шоирлар иштирокида шеърхонлик бўлди. Район хўжаликларида ҳам баҳор байрами хурсандчилик билан давом этди. Айниқса «Пахтакор» совхозида ўтказилган «Иқбол» қизлар кўрик-конкурси томошабинларга манзур бўлди.

Қовчин — Қарши районидаги қадимий қишлоқ. 10 мингга яқин аҳоли яшайдиган мазкур қишлоқдан уста пахтакорлар етишиб чиққан. Карл Маркс номли совхозда жойлашган бу қишлоққа биз арафада ташриф буюрдик. Наврўз оқшомида кексаю-ёш гулхан ёқиб, олов атрофида ўйин-кулги қилдилар. Олтита дошқозонда сумалак ва яна 6 та қозонда ёрма ва палов пиширилди.

Меҳмонлар орасида қишлоқнинг донг таратган кишилари — Ленин, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари соҳиблари, уруш ва меҳнат ветеранлари Яхшибобо Омонов, Уроқбобо Саидов, Шохдор Қўзиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкамой Ҳазраткулова, машҳур пахтакор Аваз Туробов ва бошқалар бор.

— Байрамга тайёргарлик бир ҳафта олдин бошланганди, —дейди совхоз директори Сероб Хўжақулов. — Наврўз сайиллари қадимий удумларимизга уланиб, қизиқарли ўтишига ишончимиз комил. Қишлоқда куни кеча фойдаланишга топширилган икки қаватли болалар боғчасини «Наврўз» деб атадик. Бунда ишчиларимизнинг 140 нафар ўғил-қизлари тарбияланади. Совхозда Наврўз байрамига атаб янги боғ барпо этдик.

Наврўз тантаналари вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам жуда гаштли ўтди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Наврўз — байналмилал байрам. Бунга Термиз ноҳиясидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ўтказилган шодиёна мисол бўлади. Хўжаликда турли миллат вакиллари елкама-елқа туриб, меҳнат қилишмоқда.

Суратларда: 1. 73 ёшли оқсоқол Ҳотам Баротов Наврўз тантаналарини бошламоқда. 2. Қишлоқ меҳнатчилари байрамни шодиёна нишонлашди.

И. ХУЖАЕВ олган суратлар (ЎзТАГ).

АЙЁМ НОМИ БИЛАН

● НАМАНГАН

Янги боғга асос солиниши байрамнинг асосий воқеасига айланди. Бу боғга ўзбек шоири Бобораҳим Машраб номи берилди.

Едгорлик боғи лойиҳасининг муаллифлари қирқ гектар майдонда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва афғон гўшаларини жойлаштиришни назарда тутганлар. Маълумки шоир Бобораҳим Машраб ана шу мамлакатларда бўлган эди. Бу ерда қишки боғ, тирик бурчак ҳам бўлади. Наманганлик кичкинтойлар ана шундай тирик бурчак яратилишини анчадан бери орзу қилиб келар эдилар. Ўртасида орол ва бу оролда кафе бўлган сунъий кўл сув билан тўлдирилди, болалар шаҳарчаси ва спорт комплекси қад кўтаради. Катта кўча устидан ўтадиган арқон йўл эса «Дўстлик» деб аталган янги даҳани дам олиш зонаси билан боғлайди.

Областда ўтказилган биринчи «Қизиқчи-90» кўрик-конкурси ана шу март кунлари руҳига сингиб кетди. Чуст районида 21 март куни дунёга келган чақалоқларга Наврўзхон, Наврўжон, Навбаҳор, Баҳорий деган чиройли ва ажойиб исмлар қўйилди.

● САМАРҚАНД

Ургутда баҳор байрами янги расм-русумлар билан бойиди. Уларнинг бири «Келин салом» бўлиб, баҳор рамзи бўлган ва никоҳдан ўтаётган қизлар аввало она ерга, сўнг тоғлар ва дарёларга, ана шундан кейин юртдошларига таъзим бажо этадилар. Қизиғи шундаки, томошалар бўлаётган ерга бориладиган йўл ҳам Наврўз деб аталади. Алла-ёрон тоғи этагидаги бу жойда қадим-қадимдан халқ тўпланиб келган. Наврўз кунида янграган шеърлар инсонпарварликка, ўзаро ҳурматга, қон-қардошликка чорлади.

(ЎзТАГ).

ЯХШИДАН БОҒ...

● ЖИЗЗАХ

Қўриқда қад кўтарган Пахтакор шаҳрида эрта тонгдан бошлаб ҳамма томондан стадионга халойиқ кела бошлади. Байрам арафасида аҳоли томорқа участкаларини тартибга келтирди, кўчаларни йиғиштириб безатди, дарахт кўчатлари ўтказди. Ҳар бир киши уч туп кўчат ўтказиш анъанасига риоя этди.

Оммавий халқ ўйинлари ва пойгадан олдин томошалар бошланди. Ҳар бир ташкилот, мактаб наврўз қаҳрамонлари ролига ўз номзодларини: Баҳорхоним, Деҳқонбобо, Момо ер либосидаги кишиларни тайёрлаб келган. Мана шундай қиёфага кирган ҳаваскор артистлар қўриқ ўлка меҳнаткашлари ҳузурида қўшиқ айтиб беришди. Улар бултурги мавсумдан қолган олмаларни тотиб кўришни ва янги олма кўчатлари ўтказишни таклиф қилишди, қарияларга гуллар тутказишди.

(ЎзТАГ).

НАВРЎЗ-МЕҲНАТ, ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ

Пойтахтдаги Киров районига қарашли Абдулла Қаҳҳор номли 117-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам Наврўзи оламни пухта тайёргарлик билан кутиб олдилар. Ўтган шанба куни мактаб аҳли билим масканига яқин кўча, хиёбонлар ва ариқларни тозаладилар. Ўнлаб мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказдилар. Йиғилган темир-терсаклар машиналарга ортиб жўнатилди.

Мактаб коллективи Асбосозлик заводи ва 1-«Отчопар» маҳалла комитети билан ҳамкорликда корхона стадионида байрам тантаналари ўтказдилар. Спортнинг бир неча миллий турлари бўйича ўтган мусобақалар кўпчиликни қизиқтирди. Байрам юмушларида Акром Абухалилов Озода Хўжаева, Шоҳида Тошматова, Марҳамат Нўлатова каби фаол ўқитувчилар ҳиссаси сезиларли бўлди.

Тантана дастурхони ҳам баҳорги миллий таомлар билан безатилди. Бир пиёла чой устида мактаб бадиий ҳаваскорлик тўғараги чиқишлари уюштирилди. М. Турғунбоева номли жуҳурият «Баҳор» рақс ансамбли мароқли концерт номерлари билан сайл иштирокчиларини хушнуд этди.

А. МАННОПОВ.

КУНУ ТУН ТОМОША ҚИЛИБ

Азиз муштарийлар!

Ушбу рўзноманинг саҳифаларн билан танишаётган чоғингизда, жумҳурият телевиденнесининг эшиттиришлари давом этаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Узлуксиз телевизион кўрсатув томошабинларда катта таассурот қолдириши, табиийдир.

Ўзбекистон телевиденнесининг Наврўз, Поклик, Меҳрибонлик, Одамийлик деб номланган хайрия кўрсатувлари В. И. Ленин номидаги совет болалар фондининг Ўзбекистон бўлими, Қизил ярим ой жамияти жумҳурият «Меҳр-шафқат ва саломатлик» фонди ва Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» жамияти билан биргаликда ташкил этилди. Кўрсатув 21 март куни эрталаб соат 10.00 да бошланиб, бугун эрталаб соат 10 га қадар давом этди.

Ҳар йили Наврўз байрами кунида шундай кўрсатувларни ўтказишга келишиб олинди.

Суратда: кўрсатувдан лавҳа. Республика Модалар уйида тикилган кийимлар намойиш этилмоқда.

А. РИСҚИЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

БАХТ ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ

Эрта тонгданоқ Тошкент районидаги Калинин қишлоқ Совети ижроия комитети ҳовлисидан олис-олисларга таралаётган карнай-сурнай ва ноғоранинг дилларни қитиқловчи шўх садоси Охунбобоев номли колхознинг Олмазор, Янгиобод, Мичурин, Охунбобоев номли, ҳамда бошқа маҳаллаларида истиқомат қилаётган кекса-ю ёшни Наврўз байрами дастурхонига чорлади. Бу ерда тартиб билан безатилган столлар қайси маҳалла вакилларига тегишли эканлиги ёзиб қўйилган.

Бир томонда ўн ва ундан ортиқ фарзандни тарбиялаб вояга етказган қаҳрамон оналар, бошқа бир тарафда эса Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, Афғонистонда ўз бурчини адо этиб қайтган байналмилалчи йигитларнинг гурунги авжида.

Анъанавий карнай-сурнай садолари остида даврага Янгийўл шаҳар маданият уйи «Семурғ» ижодий уюшмасининг бир гуруҳ қизлари таклиф этилади. Улар ижросидаги «Илилла ёр», «Фабриканинг қизлари» ва бошқа халқ қўшиқлари кўпчиликни ром этади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов байрам қатнашчиларини «Турналар», «На сен дединг, на мен дедим», «Муножот» ашулалари билан муборакбод этади. Тошкент районида истиқомат қилувчи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов Афғонистонда ўз байналмилал бурчини ўташ чоғида мардларча ҳалок бўлган ўзбек жангчиларига атаб қўшиқлар айтганда кўпчиликнинг қалби ҳаяжонга тўлади.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз сайли одамлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида яна бир муҳим омил бўлди.

* * *

Пойтахтимизнинг Янгиариқ маҳалласида ҳам байрам тантаналари мароқли ўтди. Машҳур ошпаз Раҳматжон Файзиев томонидан тайёрланган палов одатдагидан тотли эди. Зарҳал пиёлаларда сумалак тортилди. Маҳалла аҳли байрамни ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш кунига айлантиришди. Кўчаларга, бўш ётган жойларга мевали дарахт кўчатлари экилди. Наврўз бахт ва меҳнат рамзига айланди.

М. ТУРОБОВ,
Ш. АНВАРОВ.

Ўзбекистон ССР Нозирлар Кенгаши Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон АССР ва вилоятларнинг маданият кунларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ана шу ҳужжатга мувофиқ вақтивақти билан жумҳуриятимиз пойтахтида вилоятларда ижод қилаётган бадиий коллективлар, ижодий уюшмалар бўлимлари, шунингдек, халқ ижодиёти билан шуғулланадиган театрлар, ашула ва рақс ансамбллари, халқ амалий санъати намояндалари уюшган коллективларнинг, маданият арбобларининг ўзига хос ижодий кўриги, ҳисоботи бўлиб туради.

Бундай шарафли байрам кўрикни бошлаб бериш хоразмлик маданият ходимларига насиб этди. Эртага Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли Ўзбек Давлат Академик катта опера ва балет театри биносида улуғ ўзбек шоири, олими ва жамоат арбоби **Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 180 йиллигига бағишланган юбилей кечаси билан Хоразм маданияти кунлари бошланади.**

Маданият кунларининг программаси ранг-баранг. Тошкентга вилоятнинг таниқли маданият арбоблари, шоир ва адиблар, Огаҳий номидаги Хоразм музикали драма ва комедия театрининг коллективи ташриф буюради. Турли корхоналар, маданият масканлари, олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда бўладиган учрашувларда Р. Беклиев, Э. Самандаров, У. Отаева, Э. Мадраҳимов, Х. Абдуллаев, О. Собиров каби адиблар иштирок этадилар. Хоразмлик машҳур достончилар ҳам ўз санъатларини намойиш қиладилар. Вилоят филармонияси санъаткорлари маданият кунларига атаб махсус репертуар тайёрлаб келишган. Мақомчилар ансамбли ҳам ўз ижрочилигини намойиш қилади.

ИЖОДИЙ КЎРИК



Суратда: Хоразм телевиденнеси қошидаги мақом ансамбли.

Шоир ва драматург Эркин Самандаровнинг «Олма пишганда келинг» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль Ўзбекистон театрларининг иккинчи фестивалида кўрсатилиб, яхши асарлардан бири сифатида тилга олинган эди. Хоразмлик театр арбоблари Мукимий театри саҳнасида ана шу асарни санъат мухлисларига кўрсатадилар.

Маданият кунларида қатнашадиган ҳофиз ва хонандаларнинг кўплари таваллуди байрам қилинаётган Огаҳий ғазалларига ёзилган қўшиқларни ижро этадилар.

Ҳа, жумҳуриятимизга ташриф буюрган Наврўз тантаналарига яна бир байрам улашиб кетмоқда. Ишончимиз комилки, бу байрам пойтахтдаги Наврўз тантаналарига ўзига хос файз киритиш билан бирга вилоят маданиятининг бугунги жамолини ҳам рўй-рост намойиш этади.

ОГАҲИЙ

СЎЗ

Эй, кўнгул, одам хаёл айлаб дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қимматбаҳо,
Они хор этма, дебон ҳар хуши йўқ ҳайвонга сўз.

Вах, на янглиг билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини,
Ким топар ҳаз этса ул кунжора-ю сомонга сўз.

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур,
Ким бўлуб сўз аҳли баҳри қону ботғай қонга сўз.

Сангдил жоҳилга, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Ҳар хасосат шевага сўзнигни зойиъ қилмагил,
Сўз демак гар истасанг, де соҳиби эҳсонга сўз.

Билмаган ўз қадрини, не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак нодони беирфонга сўз.

Аҳмак аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилгай зарар, охир чекиб ҳар ёнга сўз.

Сўз қабул умидди бирла демагил ҳосидгаким,
Одами маъқул эта олгай қачон шайтонга сўз.

Раҳм этиб сўз ҳолига жоҳилга они демагил,
Ким бўлуб безор ондин келгуси афғонга сўз.

Олам ичра борча ишдин қаттиғу душвордур,
Огаҳий, маъқул қилмоқ беҳаё нодонга сўз.

КИМ ЖАҲОНДУР...

Ваҳши, афзун ўлди андоқ ҳадди имкондин совуқ,
Ким жаҳондур чеҳраи зуҳҳоди нодондан совуқ.

Кўрмамушдур ҳеч ким фасли баҳор ўлгон чоғи,
Бўйла қаттиғ гардиши гардуни гардондин совуқ.

Қилди таъсир ўт мижозиға бурудат ўйлаким,
Бўлди оташдон, жаҳон аҳлиға яҳдондин совуқ.

Ушбу авқот ичра ҳар лаҳза мени беморға,
Жаврин афзун этти ўзга аҳли даврондин совуқ.

Ким касал бирла қарилиг оз эмас, эрди манга,
Ҳам етушди бир тарафдин фоқа, бир ёндин совуқ.

Гарчи ётдим неча пўстин бурканиб бир гўшада,
Онда ҳам топди мани, турмай ўтуб андин совуқ.

Огаҳийга не ўту на луқма бордур, не либос,
Ҳоли гар будур, ани айрғуси жондин совуқ.

РУБОИЙЛАР

Э, келди фунуну[1] илм таслим сенга,
Қилмоқ менга лозим бўлди таъзим сенга,
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда вале,
Келдим бош ила олғали таълим сенга.

* * *

Ҳалқа қурбон қилма алоло[2], эй шайх,
Оламга ўзинг айлама расво, эй шайх,
Ким барча риёу ҳийлау макрингни
Фош этма улус аро саропо[3], эй шайх.

* * *

Сўздур бу жаҳон аҳли аро қулзуми[4] жарф[5],
Покиза маонн ангадур дурри шигарф[6],
Бу баҳр топар кўнгул аро кунжойиш[7],
Лекин анга ҳар кўнгул бўла олмас зарф[8]!

1. Фунун — фанлар, илмлар; 2. Алоло — шовқин-суорон; 3. Саропо — бошдан-оёқ; 4. Қулзум — денгиз; 5. Жарф — чуқур; 6. Шигарф — қимматбаҳо бўёқ; 7. Кунжойиш — ўрнашиш, сиғиш; 8. Зарф — қимматбаҳо нарса солинадиган қутича.

Марат Фаттоҳович АҲМЕДОВ

Марат Фаттоҳович Аҳмедов ҳаётдан кўз юмди. Бу хабар уни билган, у билан ишлаган кишилар қалбида чуқур қайғу уйғотди.

У 1939 йилнинг 5 июлида Тошкент шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1958 йилда 1-пойабзал фабрикасида қулиликдан бошлади. 1959—62 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилганидан сўнг, Тошкент тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Истеъдодли йигит институтни тугатгач, «Машина қисмлари» кафедрасида ишда қолдирилди, бу ерда ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади. Марат Фаттоҳович кафедрада ишлар экан, педагогика ишини илмий фаолият билан муваффақиятли равишда қўшиб олиб борди, ана шу ишлар натижасида у ўнлаб илмий мақолалар эълон қилди ва муаллифлик шаҳодатномаларини олди.

1978 йилда диссертация ёқлади ва техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1963 йилда КПСС сафига қабул қилинди. У жамоатчилик фаолиятига катта эътибор берар, институт партия комитети, механика факультети партия бюроси аъзолигига ва Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг аъзолигига бир неча бор сайланганди.

Коммунистлар 1980 йилда Марат Фаттоҳовичга катта ишонч билдириб, институт партия ташкилотининг секретари этиб сайладилар. У 1986 йилдан 1988 йилгача сиртқи бўлимда проректор бўлиб ишлаган, 1988 йилда эса институт ректори қилиб сайланган эди.

Марат Фаттоҳович бутун умрини халқ хўжалиги учун ёш мутахассислар тайёрлашга бағишлаган тажрибали педагог ва ажойиб мутахассис эди.

У ғоят ёқимли киши эди, бутун туриш-турмуши ниҳоятда чуқур маълумотга ва маданиятга эга эканлигини кўрсатиб турарди. Бу фазилатларнинг ҳаммаси одамларни ўзига тортар, унинг, айниқса, студент ёшлар ўртасида кўплаб дўстлари бор эди. У ёш мутахассисларни тарбиялашга ҳамма вақт алоҳида, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди.

М. Ф. Аҳмедов республикада олий таълимни ривожлантиришдаги катта хизматлари ва кўп йиллик самарали меҳнати учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Фахрий ёрлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, ГДР ва МХР олий мактаби аъзолиги нишонлари, «СССР ихтирочиси» нишони билан мукофотланган эди.

У ўзининг юксак принципиаллиги ва талабчанлиги, чуқур байналмилалчи эканлиги билан ажралиб турар, одамларга сезгирлик ва эътибор билан муносабатда бўларди.

Институт коллективи ва унинг ҳамкасб ўртоқлари Марат Фаттоҳович Аҳмедовнинг ёрқин хотирасини доимо эсда сақлайдилар.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ

АХБОРОТ

БОҒЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

● Боғдорчиликка ихтисослашган «Октябрь 60 йиллиги» совхози ишчилари Ромитан районида биринчи бўлиб токларни очишга киришдилар.

Саксон Давлатов, Одил Ҳайитов, Нуриддин Бақоевлар етакчилик қилаётган бригадалар аъзоларининг ғайрати туфайли ҳозиргача 50 гектардан кўпроқ ердаги токлар очилди. Хўжалик миришкорлари бу йил 1872 тонна узум, 1000 тонна мева етиштиришни кўзлашган. Баҳорнинг ҳар бир куни қадрига етиб, ўзаро мусобақа асосида ишлаётган Ибн Сино номли совхоз боғбонлари ҳам районда илғорлик қилмоқдалар.

Б. АЗИМОВ.

ЗАВОДДА ОБОДОНЛАШТИРИШ КОНКУРСИ

● Андижон «Электроаппарат» заводи коллективи корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига алоҳида аҳамият беряпти.

Шу мақсадда «Ким яхши боғ яратади» деган конкурс ўтказилмоқда. Ҳозир территориядаги барча майдонлар, цехлар, участкалар, бўлинмалар ҳамда маъмуриятҳ ходимларига тақсимлаб берилган. Айни кунларда улар ажратилган ерларга турли-туман кўчатлар ўтказишни бошлаб юборишди. Йил охирида энг яхши ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган майдонлар аниқланиб, уларнинг эгалари конкурс ғолиби деб топилади.

Илгари завод касаба уюшмаси ҳар йили 3 минг сўмлик кўчат сотиб олар эди. Эндиликда корхона учун пулга кўчат харид қилинмайди. Манзарали ва мевали дарахтларни ишчилар инженер-техник ходимлар уйдан олиб келишади. Кўчатга сарфланадиган пул эса конкурс ғолибларига мукофот тарзида берилади.

К. НИШОНОВ,

(«Совет Ўзбекистони» газетасининг навбатдаги сони 24 мартда чиқади).

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 02173. № 69. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12